

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

факультет декани, и.ф.н.

Х.Х.КОМОЛОВ _____

«___» _____ 2013 й.

«ХИМОЯГА РУХСАТ ЭТАМАН»

кафедра мудири, и.ф.н.

М.Ш.Хожибоев _____

«___» _____ 2013 й.

**“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИНING БИТИРУВЧИСИ**

ХАСАНОВ ОҚИЛНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

*Мавзу: Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида
бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва унинг ўзига хос
хусусиятлари.*

БМИ раҳбари:

и.ф.н.:

Х.А.БАРАТОВ

Бажарувчи:

О.ХАСАНОВ

АНДИЖОН – 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
кафедрасининг мудири и.ф.н.

М.Ш.ҲОЖИБОЕВ

«___» _____ 20___ йил.

Кундузги бўлим бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналишининг
4-босқич талабаси Хасанов Оқилнинг
битирув малакавий ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси:** институт ректорининг 2012йил 26 сентябрдаги №207 Ст(А) сонли буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Олтинқўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида бошқарув ҳисобини таъкил этиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** 3 июнь 2012 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириши, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг БХМСлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид адабиётлар, ҳамда “Обод водий гавхари” фермер хўжалигининг 2011-2012 йиллардаги йиғма ва йилик ҳисоботлари ҳамда мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув Малакавий ишда мавзу моҳиятини ёритишига ёрдам берадиган 7 та жадвал, 5 узатма тузилиб, улардан 3 таси бевосита химоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий кисмлари	Асосий кисмларни бажариш вақти	Рахбар унвони, Ф. И.Ш.	Имзо
<i>Кириш</i>	01.12.2012 - 31.12.2012 й	И.ф.н. Х.Баратов	
<i>Иқтисодиётни эркинлашуви шароитида бошқарув ҳисобининг моҳияти, аҳамияти ва усуллари.</i>	03.01.2013 - 31.01.2013 й.	И.ф.н. Х.Баратов	
<i>Хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини назорат қилиш ва маҳсулот сотиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш.</i>	01.02.2013 - 29.02.2013 й.	И.ф.н. Х.Баратов	
<i>Олтинқўл тумани Обод водий гавҳари фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари.</i>	01.03.2013 - 31.03.2013 й.	И.ф.н. Х.Баратов	
<i>Олтинқўл тумани Обод водий гавҳари фермер хўжалигида харажатлар ҳисоби ва уларни назорат қилиш масалалари.</i>	02.04.2013 - 30.04.2013 й	И.ф.н. Х.Баратов	
<i>Олтинқўл тумани Обод водий гавҳари фермер хўжалигида маҳсулот сотиш ва у билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисоби.</i>	01.05.2013 - 21.05.2013 й.	И.ф.н. Х.Баратов	
<i>Хулоса ва таклифлар</i>	22.05.2013- 29.05.2013 й.	И.ф.н. Х.Баратов	
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	30.05.2013- 31.05.2013 й.	И.ф.н. Х.Баратов	

Топширик берилган вақти: 7 ноябр 2012 йил.

Раҳбар:

и.ф.н. БАРАТОВ

Битирувчи:

О.ХАСАНОВ

М у н ɔ а р и ж а

бет

	<i>Кириш</i>	
1.	<i>Иқтисодиётни эркинлашуви шароитида бошқарув ҳисобининг моҳияти, аҳамияти ва усуллари.....</i>	
2.	<i>Хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини назорат қилиш ва маҳсулот сотиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш.....</i>	
3.	<i>Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишининг ўзига хос жиҳатлари.</i>	
4.	<i>Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида харажатлар ҳисоби ва уларни назорат қилиш масалалари.....</i>	
5.	<i>Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида маҳсулот сотиш ва у билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисоби.</i>	
	<i>Хулоса ва таклифлар.....</i>	
	<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</i>	

Кириш

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодий соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, иқтисодиёт тармоқларини иқтисодий ва молиявий фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш асосида ички хўжалик имкониятларидан унумлироқ фойдаланишни, илғор тажрибаларни жорий этиш ҳамда сифат кўрсаткичларни муттасил яхшилаб боришни тақозо этади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Бугунги вазият ўтган йиллар мобайнида инқирозга қарши курашиш борасида тўплаган тажрибамизга суяниб, мамлакатимизни ривожлантириш, ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича эришган суръатларни бой бермаслик учун мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этишни талаб қилмоқда.”¹

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида турли мулкчилик шаклидаги, ташкилий иқтисодий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлишига замин яратилди. Шу муносабат билан бошқарув ҳисобининг хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарида² келтирилган материаллар, қоидалар ва ҳулосалар асосида, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндошишларини таъминлаш ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Мустақил Республикамизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда бозор муносабатларининг ривожланишида жамиятимизда бухгалтерлар, аудиторлар, солиқчилар, молиячилар ва банк ходимлари каби малакали мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда.

Мустақил хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари ва маблағларнинг ташкил топиши манбаларининг ҳаракатини ҳисобга олишни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўзномаси. 2013 йил 19 январ.

² И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 бет

халқаро талаблар асосида юритиш зарур. Хужжатлаштириш, умумлаштириш, корхона ва хўжаликларнинг мулкӣ, молиявий фаолияти тўғрисидаги тўлик ва ишонарли маълумотларини шакллантириш бошқарув ҳисобининг асосий вазифасидир. Ҳисоботларни тузиш, мамлакатимиз корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ёрдамида шаклланадиган даврий, молиявий ҳисобот маълумотларини реаллигини таъминлаш, ташкилотлар билан ҳисоблашишларни тўғри ташкил қилишни давлатимиз қонунлари, ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар асосида ўргатилади.

Бошқарув ҳисобининг асосий мақсади- бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш жараёнини, иқтисодиётни бошқаришда ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби тизимининг ўрни, аҳамияти борасидаги ғояларни шакллантиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан ҳам хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ва атрофлича ўрганиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Битирув малакавий ишини мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш жараёнларни чуқур ва атрофлича ўрганиш асосида уни такомиллаштириш борасида аниқ таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун битирув малакавий иши доирасида қуйидаги асосий вазифалар бажарилди:

- Иқтисодиётни эркинлашуви шароитида бошқарув ҳисобининг моҳияти, аҳамияти ва усуллари ўрганиш;
- Хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини назорат қилиш ва маҳсулот сотиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишни атрофлича кўриб чиқиш;
- Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;
- Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида харажатлар

ҳисоби ва уларни назорат қилиш масалаларини ўрганиш;

- Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида маҳсулот сотиш ва у билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисобини ўрганиб чиқиш;
- Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари.

Ишнинг назарий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, электрон маълумотлар, интернет маълумотлари ва бошқа адабиётлардан фойдаланилди.

Ишнинг услубий асослари бўлиб, автоном ва интеграллашган усуллари, диалектик усул, ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг, хусусан харажатлар ҳисобини назорат қилиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонлари, маҳсулот сотиш ва у билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисобга олишнинг хусусиятлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишини объекти сифатида “Обод водий гавхари” фермер хўжалиги танланди. У қишлоқ хўжалик корхоналари жумласига кириб, унинг асосий фаолият доирасига пахта ва ғалла ишлаб чиқариш билан шуғилланиш киради.

Битирув малакавий ишини таркибий тузилмаси. Битирув малакавий иши кириш, бешта бўлим, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Унинг кириш қисмида ишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, назарий ва услубий асослари, предмети, объекти ва таркибий тузилмасига тўхталганмиз.

Биринчи бўлимда – “Иқтисодиётни эркинлашуви шароитида бошқарув ҳисобининг моҳияти, аҳамияти ва усуллари” кўриб чиқилган.

Иккинчи бўлимда – “Хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини назорат қилиш ва маҳсулот сотиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш” хусусиятлари ёритилган.

Учинчи бўлимда – Олтинкўл тумани “Обод водий гавхари” фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганиб чиқилган.

Тўртинчи бўлимда – Олтинкўл тумани “Обод водий гавхари” фермер хўжалигида харажатлар ҳисоби ва уларни назорат қилиш масалаларига тўхталиб ўтилган.

Бешинчи бўлимда – Олтинкўл тумани “Обод водий гавхари” фермер хўжалигида маҳсулот сотиш ва у билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисоби ўрганилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида ўрганилган мавзунинг якуний қисми сифатида юқоридаги масалалар юзасидан тегишли хулосалар қилиниб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1. Иқтисодий эркинлашуви шароитида бошқарув ҳисобининг моҳияти, аҳамияти ва усуллари.

Иқтисодий эркинлашуви шароитида бошқарув ҳисоби- хўжалик юритувчи субъект ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришнинг самарадорлиги таркибий бўлинмалар, субъект хизматлари бўлимларининг фаолияти ҳақидаги маълумот билан таъминланади. Бу маълумотни бошқарув ҳисоби тўғри бошқарув қарорларни қабул қилиш мақсадида субъектнинг ичида фаолият кўрсатаётган турли даражадаги бошқарувчилар учун шакллантиради.

Бошқарув ҳисобининг мазмуни бошқарув мақсадлари билан аниқланади: у ички бўлинмаларнинг бошқарувчилари олдига қўйилган қизиқиш ва мақсадларга биноан маъмурият қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

Бошқарув ҳисобининг мазмунини ўрганишга уни субъектнинг бутун ахборот- назорат тизими сифатида тавсифловчи белгилар тўпламини кўриб чиқишга ёрдам беради: ахборот билан таъминланишининг узлуксизлиги, мақсадга йўналтирилганлиги, тўлиқлиги, жамоатнинг обектив иқтисодий қонунларидан фойдаланишда амалий акс эттирилиши, ўзгарувчан ташқи ва ички шароитларда бошқарув объектларига таъсир кўрсатиш даражаси ва ҳоказолар.

Бошқарув ҳисобининг мазмуни - тезкор бошқарув қарорлари ва субъектнинг келажакдаги ривожланиш муаммоларининг мувофиқлаштириш учун маълумотни тизимлаштирувчи харажатлар ва даромадлар, меъёрлаштириш, режалаштириш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш ҳисобининг интеграциялашган тизимидан иборат.

Таклиф этилган тавсиф шу бўлимда кўрилган, белгилар, масала ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда берилган. Бошқарув ҳисобининг мазмунини тавсифлаб унинг муҳим хусусиятини белгилаш лозим, чунки бошқарув ҳисоби бошқарув жараёнини ҳисоб жараёни билан боғлайди.

Бошқарув предмети бўлиб объектга таъсир кўрсатиш жараёни ёки ишлаб чиқаришнинг максимал самарадорлигига эришиш учун инсонлар фаолиятини

ташкил этиш ва муқобиллаштириш мақсадидаги бошқарув жараёни ҳисобланади. Бошқарув - бошқарув предмети́ни режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, стимуллаштириш ва назорат қилиш ёрдамида таъсир кўрсатади. Бошқарувнинг мақсадлари ва масалаларига жавоб берувчи ўз тизимини яратиб бошқарув ҳисоби айна шу функцияларни бажаради.

Ҳозирги вақтда бошқарув ҳисобининг предмети́ни аниқловчи аниқ белгилар мавжуд эмас. Муаллифлар ҳозиргача бухгалтерия ҳисобининг умумий ва бошқарув ҳисобининг қисман мазмунини тушунтириш билан чегараланганлар. Бу борада, иқтисодиётни эркинлашуви шароитида субъектнинг фаолиятини бошқариш тизими ва услублари ўзгармоқда, шунинг билан бошқарув ҳисобининг процедура (муолажа)си ва мазмуни ҳам ўзгармоқда. Бу айниқса турли ташкилий тизимли, ўзгарувчан ташқи омилларнинг таъсирчан (инфляция, саноатнинг тизимли қайта қурилиши ва ҳоказо)лигига таъллуқли. Шу ердан бошқарувнинг объектлари ва субъектларининг рўйхати ўзгаради. Бошқарув ҳақидаги фан бошқарув ҳисоби предмети ҳақидаги концепсияни ҳам шакллантиради.

Бошқарув ҳисобининг предмети бўлиб умумий кўринишда ишлаб чиқаришни бошқариш бутун цикли жараёнидаги объектларнинг жамламаси ҳисобланади. Предметнинг мазмунини унинг кўп объектлари очади ва уларни икки гуруҳга бирлаштириш мумкин: субъектнинг хўжалик фаолияти жараёнида одамларнинг меҳнاتини маълум мақсадга йўналтирилганлигини таъминловчи ишлаб чиқариш ресурслари; тўпламда субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тузувчи хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижалари.

Ишлаб чиқариш ресурсларининг таркибига қуйидагилар киради: асосий жамғармалар- бу меҳнат воситалари, уларнинг ҳолати ва фойдаланилиши; номоддий активлар- узоқ муддатли қўйилмаларнинг объектлари (ердан фойдаланиш ҳуқуқи, стандартлар, лицензиялар, савдо белгилари ва бошқалар), уларнинг ҳолати ва фойдаланилиши; моддий ресурслар- меҳнат воситаси ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнида қайта ишлов бериш учун мўлжалланган меҳнат буюмлари.

Бошқарув ҳисобида бу ресурслар ишлаб чиқариш захиралари сифатида субъектнинг омборларида, цех омборларида ва бўлинмаларда, ишлаб чиқариш бўлимининг омборларида ва тайёр маҳсулот омборига ишлаб чиқариш босқичининг даражалари бўйича уларнинг ҳаракати жараёнида кўрсатилган. Улар хом-ашёни саноатнинг қазиб олувчи тармоғининг маҳсулоти, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида; шу ва бошқа субъектларда олдиндан ишлов берилган материаллар сифатида (ЯТМ- тайёрланмалар, паковкалар, куйилмалар, деталлар, узеллар ва бошқалар); ҳозирги даврда субъектда мавжуд меҳнат ресурслари, меҳнат ресурсларидан мақсадга мувофиқ фаолият жараёнида фойдаланиши ва меҳнатнинг натижаси сифатида кўрадилар. Бошқарув ҳисоби объектларининг иккинчи гуруҳига қуйидагилар киради:

- таъминот-тайёрлов- ишлаб чиқариш таъминоти ва таъмири, шунингдек таъминот жараёни билан боғлиқ бўлган маркетинг фаолияти учун мўлжалланган сотиб олиш, сақлаш, ишлаб чиқаришни хом-ашё ресурсларини сотиб олиш билан, ёрдамчи материаллар ва эҳтиёт қисмлари билан ишлаб чиқариш ускунаси билан таъминлаш;

- ишлаб чиқарувчи-ишлаб чиқариш технологияси томонидан шартланган ва асосий ва ёрдамчи муомалалардан ташкил топган жараёнлар; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни такомиллштириш ва янгиларини ишлаб чиқариш бўйича муомалалар;

- молиявий сотув- маҳсулотни сотиш бозорини шакллантириш бўйича маркетинг тадқиқотлари ва муомалалар; тўғридан-тўғри сотув муомалалари, буларга қадоклаш, транспортировка қилиш ва бошқа турдаги ишлар киради; рекламадан бошлаб, то истеъмолчилар билан тўғри алоқалар ўрнатиш билан тугаб сотиш ҳажмининг ўсишига ёрдамлашувчи муомалалар; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш;

- ташкилий субъектнинг ташкилий тизимини тузиш, субъектнинг тизимидан функционал бўлимларни, хизматларни, сехларни, бўлинмаларни ажратиш; тизимли бўлинмалар, режалаштириш, назорат қилиш, режани

бажаришни баҳолаш, рағбатлантириш вазифаларига тўғри келадиган бошқарувнинг турли даражалари ўртасидаги ички коммуникацион алоқаларнинг талабларига жавоб берувчи тўғри ва қайтарув алоқали ахборот тизимини субъектда ташкил этиш; субъектнинг асосий мақсадини бажаришга қаратилган ички ижрочиларнинг ҳаракатларини муқобиллаштириш муомалалари.

Бошқарув ҳисоби объектларининг бошқача гуруҳлаштирилиши танланиши мумкин, лекин ҳар бир ҳолатда у бошқарувнинг асосий мақсадларига жавоб бериши керак.

Бошқарув ҳисоби тизимида унинг объектлари маълум ихтисосли йўналишда акс эттиришга эга. Биринчи ўринда ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳолати, ҳаракати, субъектнинг хўжалик фаолияти жараёнида мақсадли ишлатилишида акс эттирилади.

Уларнинг ёрдамида субъектнинг ахборот тизимида бошқарув ҳисобининг объектлари аксланувчи турли қўлланма ва усулларнинг жамлами бошқарув ҳисобининг услуби дейилади. У қуйидаги элементлардан иборат: хужжатлаштириш, инвентаризация, назорат счётларини баҳолаш, гуруҳлаштириш ва умумлаштириш, меъёрлаштириш, режалаштириш ва лимитлаш, назорат ва таҳлиллардан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, услубнинг ҳамма элементлари бир-биридан алоҳида эмас, бошқарув масалаларини ечишга қаратилган ички хўжалик алоқаларини ташкил этиш тизимида ҳаракат қилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг автоном ва интеграллашган усуллари аҳамиятлидир. Хўжалик юритувчи субъект бошқарув ҳисобининг тизимини ташкил қилаётганда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётларни умумий счётлар режасидан ажратишни тақозо қилади. Демак, бошқарув ҳисобини юритиш учун айрим счётларнинг режасини тузиш ёки умумий режадан тегишли счётларни ажратиб олиш лозим. Ўзбекистонда иккинчи усул, яъни тегишли счётларни счётлар режасидан ажратиб олиш орқали бошқарув ҳисоби

юритиляпти. Бошқарув ҳисоби счётларини ажратиб олган ҳолда юритиш натижасида:

а) бошқарув таркибларини ахборотлар билан таъминлашни яхшилашга олиб келмоқда;

б) ишлаб чиқариш харажатларининг даражаси тўғрисидаги тижорат сирини сақлашга ёрдам бермоқда;

в) ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг рентабеллик даражасини сир сақлашга ёрдам бермоқда.

Бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг турлари ва унинг молиявий ҳисоб билан ўзаро алоқаси, яъни мустақил (автоном), интеграциялашган бухгалтерия ҳисоби усуллари иқтисодчи олимлар томонидан чуқур ўрганилмоқда ва амалиётда қўллашга таклиф қилинмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг мустақил (автоном) вариантида молиявий ва бошқарув ҳисоб тизими ёпиқ ҳисобланади. Молиявий ҳисобни юритадиган бухгалтерияда харажатлар иқтисодий элементлари бўйича гуруҳлаштирилса, бошқарув ҳисобида эса калкуляция моддалари бўйича туркумлаштирилади. Ушбу ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун мустақил счётларнинг коди танлаб олинади. Улар экран-счётлар, транзит ёки ойна счётлар деб ҳам юритилади. Чунки сарфланган харажатлар ушбу счётларда ўзларининг аксини кўрадилар. Молиявий ҳисобни юритадиган бухгалтерия эса ушбу харажатларнинг содир бўлган жойларини акс эттирмайди ва тайёр маҳсулотлар бўйича сарфланган умумий харажатларнигина акс эттирган ахборотларни беради. Шунинг учун ҳам молиявий ҳисобда фақатгина сарфларнинг умумий миқдорини олиш мумкин.

Бошқарув ҳисоби эса ушбу ишлаб чиқариш харажатларини бўлакларга ажратади, яъни сарфланган товар-моддий захиралари, меҳнат сарфлари, асосий воситаларнинг эскириши, ижара тўловлари, ёнилғи, сув, энергия сарфлари қаерларга сарфланганига қараб айрим олинган ҳолда кўрсатилади.

Шу билан бир қаторда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромадлар турлари бўйича молиявий ҳисобда ҳам, бошқарув ҳисобида ҳам кўрсатилади.

Шундай қилиб, молиявий ҳисоб олинган умумий даромад ва сарфланган умумий харажатлар тўғрисида маълумотларни йиғади. Ушбу маълумотларга асосланган ҳолда манфаатдор шахслар калкуляция қилиш сирларига чуқур кириб бормай солиқларнинг тўғри ҳисобланганлигини текшириши мумкин. Ушбу ҳолат фақатгина бозор иқтисодиётига мос келмайдиган давлатларнинг ҳозирги фаолиятига тўғри келмайди. Чунки амалиётда кўпчилик ҳолатларда солиқ органлари хўжалик юритувчи субъектнинг харажатларининг турлари, калкуляция қилиш усуллариининг қўлланишини маҳсулотни таннархдан паст баҳода сотиш натижасида солиқ суммасини камайтириш ҳолатларининг олдини олиш ва жазолаш мақсадида чуқур ва ҳар томонлама текширадилар.

Бошқарув ҳисобининг яна бир ўзига хос усули ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калкуляция қилишнинг буюртмали усулидир.

Бизга маълумки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади ва унда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калкуляция қилиш усулини белгилайди. Демак, юқорида ёритилган усулларнинг қайси бирини қўллаш унинг технологик жараёни, маҳсулотининг турлари, тармоқ хусусияти ва ташкилий таркибига боғлиқ.

Харажатларни ҳисобга олиш маҳсулот ёки буюртманинг таннархини калкуляция қилишнинг буюртмали усули асосан ишлаб чиқариш технологияси учун сарфланган хом-ашё ва материаллар, меҳнат сарфлари ва бошқа умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг турига олиб бориш имконияти бўлган ишлаб чиқаришда ёки субъектларда қўлланилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархини калкуляция қилишнинг буюртма усулини жорий

қилиш учун тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак. Ушбу усулни жорий қилишнинг асосий шarti бу тегишли буюртмага асосан ёки битта айрим олинган маҳсулотни ёки ушбу маҳсулотларнинг гуруҳини ажратиш имкониятини яратиш ва ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот ёки бажарилган ишнинг ўртача эмас, балки якка ҳолдаги таннархи тўғрисида маълумотларни олиш шароитини туғдиришдир. Ушбу ҳисоб ва калкуляция тизимининг усули қўлланиладиган ишлаб чиқариш турларига асосан қурилиш объектлари, самолёт-кемасозлик, қоғоз, мебел саноати, илмий-изланиш, конструкторлик ва таъмирлаш ишлари, аудиторлик, консалтинг хизматлари ва шунга ўхшаш якка буюртма ёки кичик гуруҳлардаги товарларни ишлаб чиқариш жараёнлари киради.

Буюртмалар бўйича харажатларни умумлаштирилган ҳисоби бир неча вариантлар бўйича қуйидагилар ёрдамида ташкил этилади: назорат счёtlари; алоҳида ҳисоблаш ва шартнома бўйича таннарх калкуляцияси.

Нazorат счёtlари - бу харажатлар ва улар билан корреспонденсияда бўладиган счёtlарни молиявий ҳисобнинг одатдаги тартибида очилишини кўзда тутувчи счёtlар тизими ҳисобланади. Харажатларнинг аналитик счёtlари харажатлар тўплами карточкаларида кўрсатилган - уларда тўғри харажатлар умумлаштирилади. Эгри харажатларни эса тақсимлаш ҳисоблари бўйича ҳисобот даври тугагандан сўнг киритиладиган "буюртмалар карточкалари"да ҳисобга олиб борилади. Карточка буюртмада кўрсатилган ҳамма ишлар бажарилгандан сўнг ёпилади. Ҳамма бухгалтерлик ёзувлар қайдномаларга қайд қилинади, натижалар бош китоб счёtlарига ўтказилади.

Алоҳида ҳисоблаш - бу бошқарув ва молиявий ҳисобда счёtlарни алоҳида очишни кўзловчи ҳисоб тизими бўлиб, бу ҳолда харажатлар счёtlарига молиявий муомалалар ҳақида ёзувлар қилинмайди. Бу вариант ёзувларни ҳисобнинг икки турида такрорлашни кўзда тутати.

Шартнома бўйича таннарх калкуляцияси - ишлаб чиқарилиши узок циклли бўлган йирик буюмларни ҳисобга олиш ва калкуляция қилиш тизими ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчига қилинган ишлар учун босқичлар бўйича

оралиқ тўловлар шартномада кўзда тутилган тўловлар суммаси буюртмачи далолатнома билан тасдиқланган реализация қилинган ишлар қиймати билан аниқланади. Тўловларнинг келиб тушишига қараб мазкур давр учун фойда ҳисоблаш учун реализация қилинган маҳсулот таннархига киритилиши керак бўлган харажатлар аниқланади. Шу ерда вақти ўтмаган харажатларнинг миқдори, яъни тугалланмаган ва буюртмачига топширилмаган ишларнинг таннархи аниқланади.

Шартнома бўйича калкуляция тизими қўлланилганда бу тизим учун ўрнатилган принципларга риоя қилиш тавсия этилади, яъни:

- шартнома бажарилишининг эрта даврларида фойдани ҳисобламаслик- бу даромад ва харажатларни баҳолашнинг паст ишончлилиги;

- зийрак бўлиш- ҳисобот даврида аниқланган зарарлар шу даврда реализация қилинган ишларнинг таннархига киритилиши керак. Агар зарарлар кутиладиган бўлса, унда уларнинг суммаси реализация қилинган маҳсулотнинг таннархига зарарлар эҳтимоли аниқлангандан сўнг киритилади. Масалан, таътил суммаларини тўлаш билан боғлиқ ишчилар таътили ва қўшимчаларни тўлаш учун захира яратилади.

Шундай қилиб, таннархни буюртма бўйича ҳисоблаш ва калкуляция қилиш тизими қўйидагича тавсифланади:

- сарфлар ҳақидаги маълумотлар маҳсулотнинг турларига ёки тайёр маҳсулотнинг алоҳида серияларига ўтказиш билан;

- харажатлар ҳажмининг оралиқ вақтда эмас ҳар бир тугалланган гуруҳ (партия) бўйича ўзгариши билан;

- бош китобда дебет қолдиғида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми кўрсатиладиган "Асосий ишлаб чиқариш" счётини юритиш билан. Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калкуляция қилишнинг меъёрий услуби ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Хўжаликни юритишнинг самарадорлигини ошириш мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳар қандай босқичида асосий ва муҳим масала

ҳисобланади. Бу бошқарувнинг меъёрий тизимини миллий хўжалик тармоқлари даражасида ва бир субъект ичида қўллашни муҳим қилиб қўяди.

Харажатларни бошқаришнинг меъёрий тизими ўзи билан режалаштириш, меъёрлаш, материалларни ишлаб чиқаришга бериш, ички ҳисобот тузиш, маҳсулот таннархини калкуляция қилиш, харажатларнинг меъёри асосида иқтисодий таҳлил ва назоратни рўёбга чиқариш бўйича муолажаларнинг жамламини акс эттиради.

Унинг асосий мақсади бўлиб ишлаб чиқариш омилларини тўлиқ ишлатиш ва хўжаликни тежамли юритиш ҳисобланади. Бу тизимнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

- субъектнинг олдига қўйилган масалаларни ечишни таъминловчи меъёрлар асосида харажатларни режалаштириш;
- меъёр ва меъёрлаштиришлар билан асосланган ишлаб чиқариш мақсадлари бўйича турли ресурсларни ишлатиш учун рухсатномалар бериш йўли билан харажатларни ҳужжатлаштириш;
- харажатларни бухгалтерия ҳисобининг счётларида уларнинг меъёрлари ва ундан четга чиқишларни акс эттириш;
- четга чиқишлар бошқарувнинг чизикли персонали томонидан бошқарувнинг ҳар бир даражасида таннархнинг шаклланиш жараёнига тезкор аралаштиш мақсадида олиб борилади.

Калкуляция қилиш харажатларнинг меъёрига асосланади, меъёрдан чиқиб кетишлар уларнинг вужудга келиши бўйича бухгалтерия ҳисобининг счётларида ишлаб чиқариш натижасининг кўпайиши ёки камайиши сифатида кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришга бўлган харажатларни ва маҳсулотнинг таннархини калкуляция қилишни ҳисобини меъёрий усули бошқалардан кўпроқ харажатларни бошқаришни меъёрий тизимининг талабларига жавоб беради. Ўзининг универсал хусусияти туфайли у халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига татбиқ этишга тавсия қилинган. Меъёрий бошқарув ҳисобига меъёрий режалаштириш ва ишлаб чиқаришга бўлган харажатларнинг тизими

сифатида қараш қабул қилинган. Бу тизимнинг асосий элементлари: маҳсулотнинг ишлаб чиқариш муддатларини, унинг таркиби ва сифатини меъёрлаш; истеъмор, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни, шунингдек ишлаб чиқариш воситаларини сарфлаш ва ишлатишнинг меъёрий асосланиши; меъёр ва меъёрлаштиришлар асосида иқтисодий самарадорликни режалаштириш, ҳисоблаш ва баҳолаш ҳисобланади.

Биринчи элемент тўғридан-тўғри бутун субъект, асосий ишлаб чиқариш секлари бўйича ва бригадаларнинг ишлаб чиқариш топшириқларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳажмли, календар ва номенклатурали режалаштириш билан боғлиқ. Тизимнинг иккинчи элементи ишлаб чиқариш бўлинмаларининг моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини ҳисоблаш учун, сарфлаш меъёрлари бўлган материал ва меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрларини ишлатишни ҳисоблаш учун ягона меъёрий асоснинг мавжудлигини кўзда тутди. Ўз навбатида ишлаб чиқаришни ҳажмли, календар ва номенклатурали режалаштириш истеъморли меҳнатни меъёрлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларини меъёрий асослашсиз мумкин эмас.

Шундай қилиб, тизимнинг иккала элементи ҳам ишлаб чиқаришни тайёрлашнинг конструкторлик, технология, ташкилий ва иқтисодий босқичларини қамраб олади. Улар чиқаришга режалаштирилган маҳсулот номенклатураси билан чекланган, меҳнатнинг ташқи ва субъектнинг ички кооперациясига асосланган. Бу ҳолат ишлаб чиқаришнинг табиий асосини таркиб этувчи режалаштириш ва ҳисобнинг устуворлиги ҳақидаги хулосани яна бир марта таъкидлайди.

Бир субъектда харажатларни ҳисобга олишнинг усулини танлаш ушбу субъектнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Лекин умумий таклиф сифатида ушбу харажатларни ҳисобга олишнинг меъёрий ҳисобини ташкил қилишнинг учта турини ажратиш мумкин:

А. Меъёрий харажатлар бўйича ҳисобга олиш. Ушбу усулда сарфланган ҳақиқий харажатлар қуйидаги кўринишда аниқланади: Меъёрий харажатлар $\pm$ меъёрдаги харажатлардан четга чиқиш = ҳақиқий харажатлар.

Ушбу тартибда бухгалтерия ҳисобида моддий қийматликларнинг ҳаракати белгиланган меъёрлар бўйича баҳоланиши шартидан келиб чиқилади. Ушбу фаолият жараёнида аниқланган четга чиқишлар рўёбга чиқиш ҳолатида йиғилиб борилади ва ҳисобот даврининг охирида меъёрдаги харажатларнинг ҳажмига қўшилади.

Б. Ҳақиқий ва меъёрдаги харажатларни бир йўла ҳисобга олиш. Ушбу усул ишлаб чиқаришдаги харажатлар тўғрисидаги маълумотларни икки баҳода: ҳақиқатда йиғилган харажатлар бўйича; ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳажмига сарфланган меъёрий харажатларнинг миқдорида ёритишни назарда тутди.

Ҳақиқий сарфлар - Меъёрдаги сарфлар = Четга чиқишлар.

В. Аралаш усулда ҳисобга олиш. Ушбу усул иккита йўл билан ҳисобни юритишни назарда тутди.

Биринчи йўл. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг амалиётида кенг тарқалган ва мамлакатимизда ҳам қўлланиши тавсия қилинган. Лекин ҳисобот даври давомида жами четга чиқишни аниқ даражада ҳисобга олиш имконияти мавжуд эмас. Ҳисобот ойининг охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг меъёрий таннарни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг меъёрдаги ҳажми билан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг меъёрий таннарининг фарқи кўринишида аниқланади. Натижада ой давомида ёки бошқа ҳисобот даврида ҳисобга олинмаган четга чиқиш суммаси ҳисобот даврининг охиридаги ишлаб чиқаришнинг қийматида қўшилади.

Иккинчи усул. Асосий харажатлар бўйича тасдиқланган меъёрларга риоя қилиш устидан кундалик назоратни ўрнатишни назарда тутди. Ҳисобот даври давомида меъёрдан четга чиқиш бўйича олинган маълумотлар

бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистрларида умумлаштирилмайди ва счётларда қайд қилинмайди.

Тасдиқланган меъёрлардан четга чиқиш суммаси баҳоланган тайёр маҳсулотнинг ҳажмига сарфланган ҳақиқий харажатлар билан ушбу маҳсулот учун сарфланиши лозим бўлган меъёрий харажатларни таққослаш йўли билан бир хил маҳсулотларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича аниқланади. Ушбу ҳолатда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг қиймати ишлаб чиқаришда ярим фабрикатлар ҳаракатининг баланси бўйича натура кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда меъёрий таннархи бўйича баҳоланади, ёки бўлмаса ишлаб чиқариш бўлинмаларидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришни хатлаб ҳисобга олиш асосида баҳоланади.

2. Хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини назорат қилиш ва маҳсулот сотиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009—2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари — белгиланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги асосий вазифани ҳал этишга қаратилган.

Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.³

Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2013 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6—8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чиқилган. Айни вақтда бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаши керак.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятида содир бўлган харажатларни гуруҳлаштириш у ёки бу бошқарув қарорларини қабул қилишга йўналтирилган. Лекин хўжалик фаолиятида рўёбга чиқадиган ҳолатлар ишлаб чиқарилган намунавий тизимларга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳар

³ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон.2009.

бир хўжалик юритувчи субъект ўз менеджерларининг талабидан келиб чиққан ҳолда ва уларнинг талабини қондириш учун айрим олинган ҳисоб тизимининг лойиҳасини ишлаб чиқади. Шу билан бир қаторда ушбу ҳисоб тизимларининг хилма-хиллигидан қатъий назар субъектлар фаолиятининг назарияси ва амалиёти томонидан харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калкуляция қилишни ташкил қилишнинг умумий тартиби ишлаб чиқилган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятида харажатларнинг бошқарув ҳисоби тизимини ташкил қиладиган ва ўзаро боғланган учта элемент мавжуд: ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни ҳисобга олиш; тайёр маҳсулотларнинг ҳисобини юритиш ва ушбу тайёр маҳсулотларнинг таннархини калкуляция қилиш.

Ушбу ўзаро боғланган тизим элементларининг талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни ҳисобга олиш тизими ушбу харажатларнинг турлари, таркиби, мазмуни, йўналиши, содир бўлган жойлари ва масъулият марказлари, маҳсулот ёки ишларнинг турлари ва уларнинг бир хил гуруҳлари, буюмларнинг қисми ва яримфабрикатлар бўйича гуруҳлаштиришда қўлланиладиган усулларнинг ўзаро алоқаларини акс эттириши лозим ва амал қилинаётган меъёрлар билан режалаштирилган самарадорликни таққослаш натижасида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш усуллари дидир.

Уларнинг тармоқлар бўйича хусусиятидан қатъий назар ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда харажатларни ҳисобга олиш тизими хўжалик фаолиятининг натижаларини ишончли ва холисона аниқлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг бориши устидан назорат ўрнатиш имкониятини яратиб берадиган ташкилий модулни талаб қиладиди.

Шу билан бир вақтда ишлаб чиқаришнинг технология ва ташкилий хусусиятлари, ишлаб чиқариш жараёнининг давом қилиш муддати, маҳсулотларнинг миқдор ва сифат таснифи ишлаб чиқариш харажатларини

ҳисобга олиш ва маҳсулотнинг таннархини калкуляция қилишнинг ҳар хил усуллари ва услубларини қўллашни талаб қилади.

Харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калкуляция қилиш тизимидан фойдаланишда ўзбилармончиликка йўл қўйиш мумкин эмас. Чунки уни қўллашнинг мақсади бошқариш ва харажатларни ҳисобга олиш объектлари билан чамбарчас боғланган ҳолда йиғилган.

Бизнинг мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва корхоналарнинг иқтисодиётига бағишлаб чоп қилинган адабиётларда, 1999-йил 5-февралда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом, бухгалтерия ҳисобининг стандартлари ва халқаро стандартларга кўра хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг харажатини ҳисобга олиш ва таннархини калкуляция қилишнинг учта усули меъёрий, ишлов бериш (жараёнлар бўйича) ва буюртма усуллари мавжуд. Ушбу усулларнинг қайси бирини қўллаш ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг турлари, технология жараёни, тармоқнинг хусусияти, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усули ва унинг турларидан келиб чиққан ҳолда ўзида ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатида кўрсатади ва раҳбарнинг буйруғи билан мастаҳкамлайди. Шу билан бир қаторда юқорида келтирилган туркумларнинг ҳеч бири айрим олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг ичидаги ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ва ҳар томонлама ёритишга даъвогар бўла олмайди.

Ушбу юқорида келтирилган харажатларни ҳисобга олиш ва калкуляция қилиш белгилари харажатларни ҳисобга олиш тизимини муваффақиятли ташкил қилишга ва бир усулни иккинчисидан ажратишга ёрдам беради ва осонлаштиради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қуввати ва ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми бошқарув ҳисоби тизимини қўллашни белгилайди. Бошқарув ҳисобининг тизими маълумотнинг ҳажми, унинг олдига қўйилган мақсадлари, критериялар ва мақсадга эришиш воситалари, элементларнинг таркиби ва уларнинг ўзаро ҳаракати билан тавсифланади.

Қандай субъектнинг олиб бораётган сиёсати тадбиркорлик режаларининг тўғрилигини ўз вақтида аниқлаш учун ўз фаолиятининг натижаларини доимий кузатиш ва назорат қилиб туришини тақозо қилади.

Бошқарувнинг асосий муаммоларидан бири янги субъект қурилишида, фаолиятини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, захираларни кўпайтириш, ишлаб чиқариш технологиясини янгилаш, янги маҳсулот ишлаб чиқариш, жиҳозларни алмаштириш, инвестицияни жалб қилиш ва инвестициядан даромад олишдир. Айниқса, инвестиция қарори таваккал ҳисобланади, чунки ишлаб чиқариш жараёнида келгуси даврда даромад олиш учун жорий даврдаги ресурсларнинг ҳисобидан зарур улушини жалб қилади. Ушбу ечим узоқ муддатли ва худди шундай тартибда қисқа муддатга алоқадор бўлиши мумкин.

Қисқа муддатли ечим маҳсулот ассортиментини бошқариш натижасида бирлик маҳсулотнинг умумий фойда жамғармасига, буюртма ҳажмига, талаб ва сотиш ҳажмига, таннарх ва нархга, ҳамда исрофсиз ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлаб чиқариш ва сотиб олиш ва ҳоказо саволларга тегишлидир. Улар қўйилган капиталнинг ҳажмига таъллуқли эмас. Қисқа муддатли инвестиция натижасида ушбу маблағ қисқа даврда, яъни бир йилгача пул маблағларига айланади.

Узоқ муддатли инвестицияни амалга ошириш ва ундан даромад олиш орасида узоқ даврга мўлжалланган капитал қўйилмалар ҳақидаги қарорлар инвестицияга, асосий фондларга, илмий текширишга ва тажрибавий конструкторлик ишлаб чиқаришга, реклама ва омборхона иншоотларига тегишлидир.

Катта таваккалчилик оқибатида инвестициялаш бўйича субъект фаолиятининг таҳлили ечимларига, вақт омилини эътиборга олувчи альтернатив танлаш ечимига таяниши керак.

Бошқарув ечими вариантлари қўйилган ва режалаштирилган даромаднинг ҳажмига вақт таъсирини ҳисобга олади. Вариантлар натижасини таққослаш банклардаги ссуда беришдаги ўхшашлик услубида амалга оширилади. Ахборот таъминот таҳлили бошқарув ечимини қабул қилиш учун дифференцияланган бошқарув ҳисобининг кирими ва чиқими тизимини яратади.

Дифференцияланган сарфлар деб қайсики аниқланган шароитда бошқа шароитларда бўлиши мумкин бўлган чиқимларнинг катталигидан аъло бўлиши мумкин. Улар ҳар доим ҳар қандай аниқ ҳолатга таъллуқлидир.

Дифференцияланган даромад деб, шундай киримга айтиладики, бунда аниқланган шароитлардаги ҳажмлар, бўлиши мумкин бўлган ҳажмдан ажралиб туради.

Алтернатив танлов муаммоларнинг ечимида капитал қўйилмадан олинган фойдани ҳисоблаб акс эттиришдир. Бинобарин, қўйилмадан олинган фойда қанча кўп бўлса шунча юқори истиқболли вариант ҳисобланади. Бу ерда субъектнинг мақсади агарда у бошқа мақсадлар билан муқобиллашган бўлса капитал қўйилмадан олинган фойдани максималлаштириш ҳисобланади. Инвестициялаш муаммосининг таҳлили беш босқичда олиб борилади: муомалаларни аниқлаш; муқобил (алтернатив) ечимни танлаш; танланган ечимнинг натижасини аниқлаш ва баҳолаш; миқдордан ўлчаб бўлмайдиган ўша натижани саралаш, уларни бир-бирига ва бошқа натижаларга нисбатан баҳолаш; қарорларни қабул қилиш.

Бошқарув ҳисоби асосан миқдоран ўлчанадиган маълумотни тайёрлайди. Дифференцияланган сарфлар харажатларнинг ҳисоб тизимида доимий асосда акс эттирилмайди. Уларнинг таркиби ҳар қандай аниқ муаммоларни таҳлил қилиш учун танланади. Дифференцияланган сарфлар турли хил шароитларда фарқланадиган таннархнинг тегишли моддаларини ўз ичига олади. Уларнинг

таркиби капитал қўйилмалар бўйича асосан ўзлаштирилган сарфларни айрим олган ҳолда чиқишга хизмат қилади.

Дифференцияланган сарфлар ҳар доим келажакдаги сарфларга олиб борилади ва аниқланган модулнинг ишлатилишида ушбу сарфларнинг қандай бўлишини кўрсатади. Кўпчилик ҳажмда ушбу сарфлар эҳтимоли бўлган сарфларга киради.

Дифференцияланган сарфлар ва даромадларнинг аниқланган шаклларида уларни солиштириш учун ҳар хил вариантлари мавжуд эмас. Бинобарин, умумий ҳолда икки турдаги миқдорлар чиқим билан даромадни таққослашга имкон яратади.

Биринчидан, қачонки бошда тақдим этилган лойиҳани амалга ошириш учун у ёки бу вариантга мўлжалланган маблағ бўлиши зарур. Пул маблағларини қўйиш ҳар хил муддатларда амалга оширилади, лекин аналитик ҳисобларда бу муддат вақтнинг нолинчи дақиқасига олиб келинади.

Иккинчидан, ҳар хил вариантларда бир неча йил давомида ушбу инвестицияларнинг натижаси сифатида пул оқимининг келиб тушиши кутилади.

Пул маблағларининг бу икки миқдори- инвестиция ва кирим бир ва ўша вақтнинг ўзида ҳисобланган тартибга келтирилган ва таққосланган эквивалент миқдорларига олиб келади. Одатда, келгусидаги даромадларнинг оқими капитал қўйилмаларни вақтнинг нолинчи дақиқасига олиб келади.

Одатда, инвестициянинг сметаси ахборотларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Улар инвестицияланадиган лойиҳаларнинг рўйхатини қабул қилинган қарорлар бўйича тақдим қилади. Инвестициялаш ўлчами ва йўналиши, тоза жорий қиймати, келитирлган соф самараси, рентабеллиги, ўзини қоплаш муддати, инвестициянинг сифати, капиталнинг қиймати, ҳисоб ставкалари, дисконтланган қиймати ва ҳоказоларга тегишли ахборотларни аналитик ва режали хусусиятга эга бўлган кўпдан кўп ҳисоблар беради.

Ишлаб чиқариш зарарсизлигининг таҳлили ва қарорларни қабул қилиш бошқарув ҳисобининг энг асосий мезонларидан биридир. Бозорнинг шаклланиши ва уни муқобиллаштириш усуллари ишлаб чиқиш бозор элементларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини, яъни талабни, таклифни ва баҳони аниқлайди. Тизимнинг ҳар бир элементи ўзгаради ва ишлаб чиқариш омилларининг, харажатлар ва даромадлиликнинг таъсирига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ҳажмлари, сотишдан тушган ялпи даромад, сарфлар ва соф фойданинг ўзгаришлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик таҳлили олиб борилади. Бунда муҳим эътибор маҳсулотни ишлаб чиқаришга қаратилади, бу эса бошқарувчиларга ишлаб чиқариш ҳажмининг критик (“ўлик”) нуқтасини аниқлашга имкон беради. Критик нуқта деб субъектнинг харажатлари ушбу маҳсулотни сотишдан тушган даромадга тенг бўлган сотув ҳажмининг нуқтасига айтилади. Бу тизимда фойда ҳам олинмайди ва зарар ҳам кўрилмайди.

Ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик таҳлили қисқа вақт мобайнида сотиш ҳажми, сарфлар ва даромадлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди. Таҳлил натижаларига кўра йўриқнома бериладиган давр мазкур вақт ичида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш қуввати билан чегараланган бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот ассортиментига нисбатан бошқарув қарорлари молиявий ҳисобот асосида қабул қилинади. Шу ҳолда субъектлар турли йўллар билан сотиладиган маҳсулотларни кенг ассортиментда ишлаб чиқарадилар; катта ва кичик ҳажмда, улгуржи ва чакана савдо ёрдамида, турли географик ҳудудда жойлашган истеъмолчиларга етказиб бериш йўли билан ва ҳоказо. Бундай амалиёт маҳсулотнинг турлари ва бозорларнинг сегментлари бўйича олинадиган даромадлар тўғрисида алоҳида ҳисоботларни талаб қилади.

Бухгалтер томонидан субъектнинг молиявий-сотув фаолияти ҳақидаги тўлиқ молиявий маълумотни ишлатиш субъект ишининг унумдорлигини

оширишга қаратилган назоратнинг амалдаги тизимини яратишга имкон беради.

Алоҳида сегментлар бўйича молиявий ҳисоботларга умумий суммаларни киритиш керак ва субъектнинг умумий молиявий ҳисоботига ҳам ушбу суммалар умумлаштирилган ҳолда киритилиши керак. Масалан, ҳар бир маҳсулот ёки маҳсулотнинг ассортименти ишлаб чиқаришдан олинган фойда ялпи фойданинг бир қисми бўлиши керак, ишлаб чиқариш ҳажми эса ўзгарувчан харажатларнинг ҳажми билан ўзаро боғлиқликни сақлаши керак. Бир ишлаб чиқариш бўлинмаларининг харажатлари бутун субъект даражасида ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми ҳисобланади ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, маҳсулот тури, иш вақтидан тўлиқ фойдаланганликни ҳисобга олган ҳолда назорат қилиниши лозим. Маҳсулотнинг ассортименти билан алоҳида ишлаб чиқариш бўлинмларида ишлаб чиқариш қувватларининг тўлдирилганлиги ўртасида алоқа мавжуд.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир сегментини баҳолаш ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобловчи бухгалтерга муаммо туғдиради. Унинг ечими кўпроқ рентабелли маҳсулотни ва субъектнинг ялпи фойдасининг ишлаб чиқариш ҳажмини ва ассортименти назорат қилиш тизимини тузиш жараёнида рўёбга чиқади. Бир субъект учун назорат тизимининг ўзига хослигига қарамай у қуйидаги намунавий муолажаларни ўз ичига олиши лозим: ҳар бир маҳсулотнинг рентабеллигини кузатиш; ҳар бир маҳсулотдан олинган ялпи фойдани назорат қилиш; ҳақиқий фойданинг кутилаётганидан четга чиқишини аниқлаш; харажатлар тизимини ҳисоблаб чиқиш, ўта яширин харажатларни чиқариб ташлаш; алоҳида маҳсулотга тўғри келадиган устама сарфларни ҳисоблаб чиқиш; субъектда қўлланиладиган талабнинг эластиклигига ва бошқа назорат муолажаларига нарх ўзгаришининг таъсирини аниқлаш.

Нazorat муолажаларидан фойдаланиш кутилаётган фойдани таъминлаш учун ишлаб чиқариш ҳажмининг қанча бўлишини, фойданинг аниқ ҳажмини олиш учун сотишда қандай нарх қўйиш кераклигини, субъект ишининг

зарарсизлик чегарасининг, хавфсизлик ҳудудининг ва сотилган маҳсулот тизимининг қандайлигини аниқлашга имкон беради.

Маҳсулот бирлигининг миқдорини ҳисоблаш зарарсизлик нуқтасини ҳисобга олмасдан қуйидаги тенгламага асосланади:

$$\frac{\text{Кутилган фойдани олиш учун}}{\text{фойда}} = \frac{\text{Доимий харажатлар} + \text{Кутилган}}{\text{сотилган маҳсулот бирлигининг}} \cdot \text{Бирлик маҳсулотнинг нархи}$$

миқдори

Фойда даражаси нафақат маҳсулотлар бўйича, балки ҳар бир зонани фойданинг умумий суммасига қилган қўйилмалари бўйича баҳоланади. Субъектнинг маржинал даромади тизими бозор зоналари бўйича ҳисобланади, зоналар ичида эса маҳсулотларнинг тури бўйича ҳисобланади. Тадбиркорлик сегментларини назорат қилиш шакллари ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан ҳар бир маҳсулот учун сотиш нархини белгилашни ҳам кўзда тутлади. Ишлаб чиқариш бўлинмаси томонидан маҳсулот сотишсини баҳолаш одатда усталар, бўлим ва сех бошлиқларини моддий рағбатлантиришда қўлланилади. Шунинг эса тутиш керакки, трансфер! нархларини ҳисоблашнинг энг қулай варианты бўлиб харажатларнинг меъёрлари ҳисобланади.

Шунинг учун фойда суммасига ҳар бир бўлинма томонидан қилинган қўйилма тўғри ишлаб чиқариш харажатларининг умумий устамаларини эмас балки ялпи қопланиши ва субъектнинг соф даромадига бўлган таъсири сифатида қаралади. Назоратнинг кам аҳамиятли бўлмаганининг яна бири сифати бу маҳсулот турлари бўйича талабнинг эластиклигини кузатишдир.

Сотишдан олинган фойданинг асосий концепсияси: нархларнинг кўтарилиши - сотиш ҳажмининг камайиши ёки нархларнинг пасайиши - сотиш ҳажмининг ўсиши ҳисобланади. Талабнинг эластиклиги ҳар бир маҳсулот бўйича аниқланади. Агар талаб эластик бўлса, сотишнинг ўсиши ҳақиқий ҳажмининг 1/3 қисмидан ошмаслиги керак ва нархларнинг даражасини ушлаб туришда алтернатив қадам бўлиб харажатларни

пасайтириш дастури хизмат қилиши мумкин. Шунда сарфларнинг умумий суммасининг пасайтирилгани сотишнинг ҳақиқий ҳажмини $\frac{1}{3}$ қисмидан ошмаслиги керак.

Агар маҳсулот ассортименти маржинал қўйилма ва соф даромад даражаси билан белгиланса, унда ўртача ўзгарувчан харажатлар сотиш харажатларига мутаносибликда ўзгаради. Бундай ҳолда сотишнинг юқори даражаси харажатларни пасайтиради. Ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги сотиш ҳажмининг ўсиши учун қўшимча қўйилма ва ишчи кучи тўпламини талаб қилади, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасайиб харажатлар кўтарилиб кетади.

Энди баҳони шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Маҳсулотга сотув нархини ўрнатиш- субъектнинг асосий масаласи ва менежернинг санъати ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳони шакллантиришнинг бир неча ёндашувлари мавжуд. Биринчи ёндашув- шундай нарх қўйиш керакки, у сотувчини жалб қилсин; бошқаси- ўзи учун маълум нарх чегарасини белгилаш мақсадида рақибнинг ўрнатган нархидан фойдаланиш; учинчиси- рентабеллик поғонасини, ўзгарувчан харажатлар ва маржинал даромаднинг қийматини аниқлаш учун маҳсулот таннархи ҳақидаги маълумотдан фойдаланиш.

Харажат нархи кўпчилик томонидан реал нархни белгилашда энг ишончли йўл деб кўрилади, чунки у нархда фойданинг қийматини аниқ шакллантиришга имкон беради. Лекин харажат нархлари бозор ҳолатини ва мазкур бозорда маҳсулотнинг ўрнини ва рақобатчиликни ҳисобга олмайди. Кўпгина илғор компаниялар учта келтирилган ёндашувларнинг комбинацияланган усулини қўллайдилар.

Маҳсулотлар, товарлар ва хизматларга қуйидаги нарх ва тарифлар ўрнатилиши мумкин: сотувчи ва харидорлар учун мажбурий бўлган- расмий, субъектнинг мазкур маҳсулотини ҳамма сотиб олувчилари учун бир хил бўлган- муқобиллаштирилган, сотиш-сотиб олиш далолатномасининг ҳар бирида- келишув. Расмий ва муқобиллаштириладиган нархлар жаҳон бозори

нархлари ёки ишлаб чиқаришнинг асосланган харажатлари асосида ўрнатилади. Келишув нархлари эса ёки индивидуал харажатлар, ёки фойдаланиш параметрлари, ёки талаб ва таклифнинг ўзгариши асосида аниқланади. Реал нархни шакллантириш масаласи ҳозирги даврда субъектларда ишлаб чиқаришнинг тушиб кетишида ортиқча қувватларнинг вужудга келиши, уларни таъминлаш сарфларининг ошиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, инфляция ва қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаш услубининг мавжудлиги учун қийинлашган.

Субъектнинг маъмурияти иқтисодий асосланган нархни ўрнатиш учун қатор муаммоларни ечиши керак: қарор қабул қилишда ҳисобга олинadиган харажатларнинг таркибини асослаш; калкуляция қилиш услубини танлаш; доимий харажатлар минимал бўлган ишлаб чиқариш даражасини ўрнатиш; субъект фойдасининг суммасини ҳисоблаб чиқиш.

Агар субъектнинг фойдаси ҳисоб нархидан паст бўлса, унда нархни калкуляция қилишда фойданинг ўртача меъёридан ёки унинг озмунча ўсишини ҳисобга олгандан келиб чиқади. Инфляция шароитларида фойданинг ўртача меъёрига субъектда инфляцияни компенсация қилиш учун тузилган захираларнинг қиймати қўшилади. Шунини таъкидлаш керакки, инфляция шароитларида ва субъектнинг харажатларни пасайтиришга қаратилган қизиқишлари бўлмаган пайтда формулаларнинг маълумотлари жуда муаммоли ҳисобланади.

Нархни ўрнатишга харажатлар энг катта таъсирни кўрсатади. Харажатларнинг таркибини танлашда қуйидаги формула қўлланилади:

1. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш сарфлари + даромад.
2. Умумий ўзгарувчан сарфлар + даромад.
3. Ишлаб чиқариш таннархи + даромад.
4. Тўлиқ таннарх + даромад.

Харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги зарарсизликни таҳлил қилишда ўрганиб чиқилган. Бу ерда асосий эътибор фойданинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигига қаратилган, чунки маҳсулотга бўлган

наrxнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан ёки сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгариши билан боғлиқ.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида кўп ҳолларда ички бўлинмаларнинг ярим тайёр маҳсулотларини бошқа бўлимларга бериши мумкин. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ва ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш натижасида уларнинг ўртасидаги муносабат пулга чақилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу ички хўжалик ҳисобининг асосий шартларидан биридир. Ушбу талабни бажариш юзасидан трансферт баҳолари қўлланилади.

Трансферт баҳолари - бу хўжалик юритувчи субъектдаги ички бўлинмаларнинг биринчисидан иккинчисига, яъни биринчи масъулият марказидан иккинчи масъулият марказига берилаётган ярим фабрикатлар, бажарган хизматларнинг баҳосини аниқлаш учун қўлланиладиган баҳолардир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг таъминот-тайёрлов фаолияти унинг умумий хўжалик фаолиятининг биринчи босқичи эканлигини эътиборга олган трансферт баҳолари олинган ва сарфланган ТМЗ баҳоларини аниқлашда муҳим ўрин тутишини биламиз. Трансферт баҳоларини ҳисоблаш иккита усулда, бозордаги баҳоларга асосан ва сарфланган харажатларга асосан амалга оширилади.

Бозордаги баҳоларга асосан аниқланган трансферт баҳолар. Айрим ҳолларда ўхшаш ТМЗ бозор баҳоси маълум бўлган вақтда асосий эътибор харажатларга қаратилмайди, балки ушбу бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Чунки бозор шароитида субъектнинг ички бўлинмаларидан олаётган ярим фабрикатлар, деталлар ва истеъмол қилаётган хизматларнинг қийматини истеъмолчи сотувчи бўлинмага бозордаги баҳодан келиб чиққан ҳолда тўлайди ва шу билан бир вақтда сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи ҳам ушбу ярим фабрикатлар ва хизматларни сотганда худда ташқи истеъмолчига сотганда олган даромади суммасида даромад олади.

Бозор баҳосининг афзаллиги сотадиган ва истеъмол қиладиган марказларнинг ўзаро алоқалари ва менежерларнинг малакавий даражасига карамайди, балки унинг обектив хусусиятга эга бўлишидир. Бундан ташқари кўпгина субъектлар ўзларининг бўлинмаларига тўлиқ мустақиллик берган ва улар ички хўжалик ҳисоби жараёнда бизнеснинг мустақил субъекти ҳисобланади.

Демак, ушбу шароит ва шартларни инобатга олганда ушбу бозор баҳосини қўллаш бўлинмаларнинг ўзаро алоқаларини ҳақиқатга яқинлаштиради. Амалиётда эса ҳақиқий бозор баҳоси ҳамма вақт ҳам ҳақиқатни ёритавермайди, чунки бир турдаги товар-моддий қийматликларига ҳар хил мол етказиб берувчи ҳар хил баҳо белгилайди. Шунинг учун энг аввало мол етказиб берувчиларни кейин эса ТМЗ танлаш ва баҳони белгилаш бўйича қарорни қабул қилишдан аввал аниқ ва тўғри баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш лозим:

- мол етказиб берувчининг тартиблилигига ишонгандан кейин оладиган ТМҚ баҳосини пасайтириш;
- олинган ТМҚ кафолатланишини таъминлаш;
- етказиб бериш шarti;
- олиш ва қийматини тўлаш шартлари ва ҳоказо.

Харажатларга асосланган трансферт баҳолар. Кўпчилик ҳолларда трансферт баҳоларни белгилаш учун шунга ўхшаш товар ва хизматлар учун бозор баҳоси белгиланмаган бўлади. Ушбу вақтларда харажатларга асосланган трансферт баҳолар қўлланилади ва унинг асосида стандарт таннарх ётади. Агарда ушбу маҳсулот ва хизматларга фақатгина ҳақиқий харажатлар қўшилган бўлса ушбу маҳсулот ва хизматларни сотувчи масъулият марказлари учун унинг самарадорлигини тартибга солиш қизиқтирмайди, чунки бу сарфларнинг ўзгариши истеъмол қилувчи марказнинг трансферт баҳосига ўз - ўзидан таъсир қиладди.

Трансферт баҳолардаги харажатларнинг таркиби ва фойданинг улуши ўзаро низолар ва келишмовчиликлар содир бўлмаслиги учун юқори

рахбарият томонидан белгиланган бўлиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда келишмовчиликларнинг чиқмаслиги учун ташқи баҳоларга ва таннархни ҳисоблаш усулига таянмай истеъмол қилувчилар билан сотувчилар, ўзаро келишилган ҳолларда ушбу трансферт баҳоларни ўрнатадилар.

Айрим ҳолларда сотувчи трансферт баҳоларни ўрнатиш юзасидан қабул қилинган ҳисоб сиёсатидан чекинишга мажбур бўлади. Мисол, сотувчи харидорни ўзига жалб қилиш учун хизматларга баҳони бозор баҳосидан паст қўйиши мумкин. Ушбу ҳолатларда истеъмол қилувчи, сотиб оловчи марказ вақтинчалик ушбу арзон баҳолардан фойдаланади. Демак, ушбу шароит, яъни келишилган баҳо икки томоннинг келишиши асосида ўрнатилади.

Айрим ҳолларда, агарда менежернинг ҳаракати чегараланган ёки ишбилармонлик муносабатларига ҳар хил таъсирлар мавжуд бўлса ушбу олиб борилган мулоқотлар ижобий натижа билан тугамайди. Бўлғуси истеъмолчи у ёки бу сотувчи билан мустақил алоқада бўлиш имкониятига эга бўлмаса ва шу билан бир вақтда мазкур сотувчи ушбу буюртмани бажаришдан бош торта олмаса, ушбу шароитларда юзага келган тортишувни ечиш, яъни трансферт баҳони белгилаш учун бошқа бир усулни топиши лозим бўлади.

Амалиётда эса фойда маркази кўп ҳолларда мустақил юридик шахс бўлаолмайди. Улар ўзаро келишилган ҳолда биргаликда муомала қилса тегишли фойда марказининг эълон қилган даромади субектнинг олган умумий даромадини оширмаслик ҳолатларига олиб келадиган таваккалчилиги пайдо бўлади. Ушбу етарлича муқобиллаштирилмаган таваккалчилик доимо амалиётда содир бўладиган, сотувчи томонидан қўлланилган трансферт баҳоси унинг қисқа муддатли сарфидан ошиқча бўлса тез-тез рўёбга чиқиб туради.

Хўжалик юритувчи субектлар ўзининг трансферт баҳоларни ташкил қилиш сиёсатида қамралган ҳамма томонлар учун холислик, ҳаққонийлик тамойилларига эришишга ҳаракат қилади, келишув ва арбитраж муомалаларига сарфланган вақтини минимумгача қисқартириш ва

муқобиллаштириш бўйича етишмовчиликни ва таваккалчиликни қисқартиришга эришади. Бундан ташқари улар ҳар бир фойда марказининг ҳақиқий иқтисодий ёритадиган ушбу баҳолар пировардида фойда олиб келишига интиладилар.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун"да фақатгина ушбу маълумотларнинг сир сақланиши, яъни бухгалтерия ҳисобининг сегментлар бўйича тузилган ички ҳисоботлари тижорат сири эканлиги ва ташқи фойдаланувчиларга ушбу маълумотларнинг берилмаслиги таъкидланган. Ушбу ҳисобот маълумотларининг сир сақланиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (Қонун) билан биринчи бор мустаҳкамланди. Чунки бу ҳолат асосан субъектларнинг фаолиятини элементлар, технология жараёнлари, маъсуллик марказлари бўйича ёритилиши натижасида ушбу ҳисоботнинг маълумотларидан фақатгина ички бошқарув ходимлари фойдаланиши мумкин, чунки у тижорат сири ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда молиявий ҳисобнинг маълумотларидан эса ташқи фойдаланувчилар ҳам фойдаланадилар. Ушбу ҳисоботларда маълумотлар умумлашган ҳолда яқиний қилиб тузилади. Амалиётда эса ҳозирги даврда ички ҳисоботлар учун берилган ҳуқуқлар бузилапти. Мисол, ташқи фойдаланувчилар ҳисобланган солиқ ташкилотларининг ва иқтисодий жиноятга қарши курашувчи прокуратура ходимлари кўп ҳолларда бошқарув ҳисоби ва ҳисоботларини текширадилар.

Маъсул ходимлар ҳисобот юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун молиявий ҳисоботдан фойдалансалар бошқарув ҳисоби ва ҳисоботнинг маълумотларидан эса ушбу субъектнинг фаолият сегментлари, бўлим, сех, маъсуллик марказининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун фойдаланадилар. Маъсуллик маркази субъектнинг фаолиятида ўзига хос ўринга эга, чунки у ушбу субъектнинг асосий қисмларини ташкил қилади. Натижада кириш ва чиқишга эга.

Маъсулият марказининг киришида хомашё материаллар ва яримфабрикатлар туради.

Бундан ташқари маъсулият марказлари ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун маълум мулкларга, асосий воситалар, номоддий активлар, ишлаб чиқариш қуроллари ва бошқа маблағларга эгалик қиладилар. Бу бўлинмалар ўзининг фаолиятида меҳнат ресурсларини истеъмол қиладилар, буюртмаларни бажариш учун ташқи субъектларнинг хизматидан фойдаланадилар. Ушбу маъсулият марказларининг чиқишида эса сотиш ёки бошқа бўлимларга бериш учун чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ва яримфабрикатлар мавжуд бўлади.

Сегментлар бўйича тузилган ҳисоботлар субъектнинг раҳбарларига ўзининг қармоғидаги бўлим ва сехларнинг фаолиятини бошқариш ва фаолиятининг якунини баҳолаш учун хизмат қилади, уларнинг фаолиятини баҳолаш учун молиявий ва номолиявий чегаралар ишлаб чиқилади, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими шаклланади. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида битта менежернинг фаолиятига иккинчи боқарувчининг фаолияти таъсир қилади. Ушбу қарама-қаршиликларни тугатиш имконияти йўқ, лекин ўзаро боғлиқ менежерларни тегишли ва зарур ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш омиллари ёрдамида ушбу қарама қаршиликларни юмшатиш ва аста секинлик билан тугатиш мумкин.

Бундан ташқари сегментлар бўйича ҳисобот ушбу менежерларнинг иш юритишида ўзларига ҳам ёрдам беради. Чунки қандай даражада бўлмасин раҳбар ўзининг иш фаолиятини баҳолаши ва ҳулоса чиқариши лозим. Агарда унинг олдида қўйилган режа ва вазифалар бажарилмаган бўлса энг аввало унинг ўзи билиши керак ва ушбу мақсадларга эришиши учун тезлик билан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқмаса ва татбиқ қилмаса режанинг бажарилиши амримаҳол бўлиб қолади.

Шундай қилиб, аниқ ўрнатилган назорат маъсул шахсларнинг оралик қарорларни асосланган ҳолда қабул қилиш ва ўзи бошқараётган бўлимнинг

фаолиятини режалаштираётганда олдига қўйилган мақсадларини қайта кўриб чиқиш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳам маъсуллик марказларининг фаолиятини назорат қилишни амалиётда тескари алоқа ҳам деб юритилади.

Сегментлар бўйича ҳисобот маълумотлари ҳилма-хил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун жуда ҳам зарур. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, шароитлар, воқеликлар ва ташқи муҳитлар тез-тез ўзгариб турган бир ҳолатда субъектлар ушбу муҳит ва шароитга тезлик билан мослашган тақдирдагина уларнинг рақобатбардошлиги мустаҳкамланади ва келгусида ривожланиши учун шароит яратилади.

Ҳозирги пайтда субъектларнинг олдига турган асосий муаммо фаолиятининг таркибини ўзгартириш, яъни йирик субъектлар айрим олган кичик субъектларга ажралишдир. Ушбу тадбир билан боғлиқ бошқарув қарорини қабул қилишдан олдин фаолиятининг якунини чуқур ўрганиш ва баҳолашни талаб қилади. Ушбу ишни амалга ошириш учун бошқарув ҳисоби тўплаган, ишлов берган маълумотлардан кенг фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Раҳбариятнинг ушбу фаолиятини айрим бўлимларга бўлиш бўйича қабул қиладиган қарори иқтисодий асосланган ҳисобларга таяниши шарт. Ушбу ҳолатларда жуда бўлмаганда иккита вариант ўзаро таққосланиши керак. Ушбу таққослаш тегишли субъектда сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот тизими мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Бошқарувчи битта муқобил тизимга келтирилган ва уларга таянган ҳолда муқобил бошқарув қарорларини қабул қилишга ва аниқ фаолият кўрсатишга ёрдам берадиган маълумотларнинг минимал ҳажми етарли бўлади. Шунинг учун ҳам ҳисоботни олган менежер у ёки бу хулосани чиқариш ёки фаолиятнинг турини баҳолаш учун қўлида калкулятор билан қўшимча ҳисобларни бажармаслиги ва маълумотлар тўғридан-тўғри баҳолаш учун асос бўлиши лозим. Унинг учун ушбу ички ҳисоботнинг маълумотлари асосида таҳлил қилиниб қабул қилинадиган тадбир ва қарорларни қайта кўриб чиқиш ва тадбиқ қилиш йўллари йўлаш муҳимроқ ҳисобланади.

Чунки кейинги режалар ва истиқболларга таъллуқли кўрсаткичларни бухгалтер эмас, балки менеджер ишлаб чиқиши ва тегишли қаторни тўлдириши лозим.

Ички ҳисоботларни тузиш даври, унинг аниқлиги, тўлиқлиги ва тақдим қилиш вақтини ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг объектлари ва бошқарув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Субъектнинг маъмурияти ушбу масалаларни ечаётганда энг аввало тежамкорлик шартига асосланади, яъни ушбу бўлимлар ва фаолиятнинг турлари бўйича тузилаётган ички ҳисоботга сарфланган харажатлар уларнинг маълумотларидан фойдаланиб қабул қилинган қарорларнинг иқтисодий самарадорлиги натижасидан ошиб кетмаслиги лозим.

Тегисли ҳисобот маълумотларини акс эттирган бўлимларнинг масъулият марказларининг қайси турига таъллуқлигига қараб ушбу ҳисоботнинг шаклларига ҳар хил талаблар қўйилади.

Харажатларнинг маркази бўйича тузиладиган ички ҳисоботларнинг асосида назорат қилиш принципи ётади ва ушбу тамойил қуйидаги натижаларга олиб келади:

- ҳисоботни тақдим қиладиган раҳбарнинг мансаб поғонаси ошган сари ушбу

- ҳисоботдаги маълумотлар қамрови бўйича йириклашиб бораверади;

- юқори поғонадаги раҳбарга тақдим қилинган ҳисобот қуйи раҳбарларга тақдим

- қилинган ҳисоботларнинг йиғиндиси бўлиши мумкин эмас.

Ушбу усул амалиётда инкор қилишларни бошқариш деб юритилади, яъни юқори поғонадаги бошқарувчига у ёки бу бошқарув муомма ойлик ёки кундалик бўлмагунча пастки поғона учун тузилган ички ҳисоботларга мурожат қилиш зарурияти туғилмайди.

Тузиладиган ички ҳисобот ўзида ҳақиқий кўрсаткичларнинг режадаги кўрсаткичлардан фарқи бўйича маълумотларни ёритиши лозим. Натижада ушбу маълумотларнинг асосида амалиётда фарқлар бўйича бошқариш

принципини рўёбга чиқаради ва ушбу фарқлар бўйича бошқариш куйидагиларга ёрдам беради:

1. Субектнинг ҳар бир сегменти ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича олинган фойданинг ўсишига ёки кўрилган зарарларнинг ҳажмига таъсир қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлашга. Ушбу омиллар куйидагилардан ташкил топган: ишлаб чиқаришнинг шароити; ишлаб чиқариш кучларининг чегараланганлиги; маҳсулотнинг турлари (ассортименти); баҳоларни белгилашда қўлланиладиган сиёсат; омборхонадаги тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи; ишлаб чиқаришда ишлаётган ходимларнинг сони ва уларнинг малакавий даражаси; хомашё ва материалларнинг мавжудлиги ва уларнинг қиймати; технология жараёнининг хусусияти ва шунга ўхшашлар.

2. Ушбу салбий фарқларнинг содир бўлишидаги масъул-жавобгар шахслар ёки марказларни аниқлаш. Ушбу масалани ечишда илгари субъект бўйича ва айрим олган маҳсулотлар бўйича фарқлар аниқланиб унинг сабаблари чуқур ва ҳар томонлама ўрганилишига қарамасдан ҳар бир харажат марказлари ва масъулият марказлари бўйича ушбу фарқларни аниқлаш ва уларнинг сабабларини ўрганиб салбий кўринишларни тезкорлик билан тугатиш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалиётга қўллаш ушбу муаммони ечишга ёки унинг келгуси даврда содир бўлмаслигига олиб келади.

3. Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари.

Мамлакатимизда ислохатларни босқичма-босқич амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор қонунлари асосида фаолият кўрсатишини таъминламоқда. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохатлар натижасида шаклланган ва эркин рақобатга асосланган хўжалик юритишнинг устивор йўналиши бўлган фермер хўжаликлари ишончли фаолият кўрсатмоқда. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини шундай ташкил этиш керакки, у тежамли бўлиб, кам маблағ сарфланган ҳолда ички ва ташқи фойдаланувчиларни кўпроқ ахборотлар билан таъминласин.

Бозор муносабатларига ўтиш ва давлат мулкни хусусийлаштириш хўжалик юритишнинг мазмуни, тузилиши ҳамда психологиясида жиддий ўзгаришларга олиб келади.”...глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012-йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.⁴

Юқорида айтиб ўтилган ўзгаришлар ва ютуқларимиз ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобида туб ўзгаришларни талаб қилади. Бухгалтерия ҳисоби халқаро бизнес тили сифатида давлат қонунларининг бажарилишини кафолатлаши, тадбиркорликни ривожлантиришига, мулкни сақлаш ва кўпайишига хизмат қилиши, манфаатдор (инвесторлар, акциядорлар, банклар, фондлар, мол юборувчилар, мол олувчилар, расмий органлар ва ҳ.к.) лар томонидан муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилишда (капиталини

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўзномаси. 2013 йил 19 январ.

инвестиция қилиш, бозорга чиқиш, ходимларни ёллаш, солиқ сиёсати, молиялаш манбаларини қидириб топиш, ҳисоблашишлар ва ҳ.к.) зарур бўладиган тўлиқ ва ишонарли ахборотларни ўз вақтида етказиб бериш керак.

Битирув малакавий ишининг ушбу бўлимида Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг бугунги ҳолати билан танишиб чиқишни лозим топдик. Олтинкўл туманидаги “Обод водий гавхари” фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342 сонли фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 октябрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 607-сонли қарорига асосан Олтинкўл туманида ташкил этилган фермер хўжаликларидан биридир.

“Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонун”га мувофиқ “Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектидир”.

Фермер хўжаликлари бугунги кунда қонун йўли билан мустақил хўжалик юритувчи субъект ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, хўжалик юритишнинг янгича усулларини ишлаб-чиқаришга жорий қилишлари ҳар томонлама зарурий ҳолатга айланди. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликлари молия хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни тузиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади” дейилган.

Қонуннинг 15-моддасида эса ўзининг ёки ўзгаларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун гаровга берилган мол-мулк киймати, шу жумладан, пул маблағлари фермер хўжаликлари томонидан бошқа активлардан алоҳида ҳисобга олинади. Гаровга олинган мол-мулк киймати, гаров сифатида қабул қилиб олинган пул маблағлари ва валюта бойликлари киймати алоҳида балансдан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифаларидан бири бўлиб молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳаққоний ва талаб даражасидаги ҳисоботларга эга бўлиш учун ҳисоб-китоблардаги мавжуд камчиликларни тугатиб уларни қонун талаблари даражасида ташкил этишга эришиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24-мартдаги ПФ-3226 – сон “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ва 2004-2006 – йилларда “Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги фармонларида, Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси ва мажлис қарорида фермер хўжаликларини ривожлантириш устивор йўналиши сифатида белгиланган. Шунингдек, ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш долзарб масала эканлиги таъкидланган.

Фермер хўжалигининг хўжалик молиявий фаолиятини ташкил этувчи қуйидаги жараёнлар ҳисоб объектлари бўлиб ҳисобланади, масалан:

- асосий воситалар;
- моддий қийматликлар (ем, хашак минерал ўғитлар, инвентарлар ва ҳаказо);
- ишлаб-чиқариш жараёни;
- тайёр маҳсулотларни сотиш ва шунга доир ҳисоб-китоблар;
- банк, молия, солиқ органлари ва бошқалар билан ҳисоб-китоб муомалалари;

Биз ўрганаётган “Обод водий гавҳари” фермер хўжалигида ушбу ҳолатлар қай даражада ёндашилганлигини қуйида кўриб ўтамиз.

Ушбу фермер хўжалиги Олтинкўл туманидаги Кўштепасарой қишлоқ фуқоролар йиғинида жойлашган бўлиб, асосан дехқончилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Фермер хўжалиги туман марказидан 4 километр ва шаҳар марказидан эса 8 километр узоқликда жойлашган.

Фермер хўжалиги 2006 йил 28 декабрдаги Олтинкўл тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш инспекциясида №1014 реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Мамлакатимизда иқтисодий-инқироз шароитида инқирозга қарши кенг камровли ишлар олиб борилиши қишлоқ хўжалигини ҳам камраб олган. Фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларини қайта кўриб чиқилиши натижасида уларнинг балансида бўлган экин майдонлар кўпайди. Яъни ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланаган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди. Ана шу ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда 65,6 гектарга етди. Бу кўрсаткич 2012 йилда пахтачиликда 31.2 гектарни, ғаллачиликда эса 32,4 гектарни ташкил қилмоқда. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштириш, экин турлари ҳақидаги маълумотларни 1-жадвалда кўриб ўтамыз.

“Обод водий гавхари” фермер хўжалиги асосан пахта ва буғдой етиштириш билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобланиб, хўжаликнинг жами экин майдони 2012 йилда 63,6 гектарга тенг бўлиб, асосан пахта ва буғдой етиштириш билан шуғулланиб келмоқда. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик бғдой етиштириш бўйича 2011 йилда ижобий натижаларга эришган деб бўлмайди.

1-жадвал**Олтинкўл туманидаги “Обод водий гавхари” фермер хўжалигининг экин майдонлари ва унинг таркиби.**

т\р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011й	%	2012й	%
1	Жами экин майдони	га	63,6	100	63,6	100
1.1	шундан: Пахта	га	36,1	56,8	31,2	49,1
	Ҳосилдорлик	ц\ га	36,7	х	38,6	х
	Ялпи ҳосил	ц	1327,0	х	1205,0	х
1.2	Дон	га	27,5	43,2	32,4	50,9
	Ҳосилдорлик	ц\ га	37,6	х	60,0	х
	Ялпи ҳосил	ц	1033,0	х	1944,0	х
2.	Жами ходимлар сони	нафар	27	100	30	100,0
2.1.	Пахтачиликда	нафар	22	81,5	23	76,7
	Дончиликда	нафар	5	18,5	7	23,3

Хўжаликда 2011 йили 36,1 гектар ерга пахта экилган бўлса, ҳар бир гектардан ҳосилдорлик 36,7 центнердан, 2012 йилда экилган майдон 31,2 гектарга экилган бўлиб, ҳар бир гектардан ҳосилдорлик 38,6 центнерга етган бўлиб, 0.9 центнерга ортган ва хўжалик режа топшириқларини ортиғи билан бажарган. “Обод водий гавхари” фермер хўжалиги асосан пахта ва буғдой етиштириш билан шуғулланиб келмоқда.

Хўжаликда дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳам 2012 йилда 2011 йилга нисбатан анча ижобий натижаларга эришилган. 2011 йилда 27,5 гектар майдонга буғдой экилиб, ҳар гектар майдондан 37,6 центнердан жами 1033 центнер ҳосил олинган бўлса, 2012 йилда 32,4 гектар майдонга буғдой экилиб, 1944 центнер ҳосил олинган ва ҳосилдорлик 60 центнерга етиб, 22,4 центнерга кескин оширилган.

Баланс-корхона маблағлари ва қоплаш манбаларининг маълум даврдаги ҳолатини кўрсатади. Ҳисоб-китоб ишларини халқаро анъанавий талаблар бўйича юритишга оз бўлсада яқинлаштирилиши ҳамда 2002 йилда

жорий қилинган ва корхоналар тузадиган янги бухгалтерия баланси бозор иқтисоди сари қўйилган дастлабки қадамдир. Замонавий иш юритиш шарт-шароитига мос келувчи балансда актив ва пассив томонлари бўлади. Актив томонида корхона маблағлари, пассивида эса хўжаликнинг ўзига тегишли манбалар, кредитга ва қарзга олинган бошқа манбалар кўрсатилади. Актив маблағларнинг ошиши, пассивдаги манбалар ва фойда (даромад)нинг кўпайиши билан боғлиқдир. Баланснинг барча бўлим ва бандларини чуқур ўрганиш молиявий аҳволни тўлиқ ўзлаштиришнинг асосини ташкил қилади.

Маълумотларда ишлаб чиқаришни узлуксиз олиб бориш учун зарур бўлган ва ҳисобот тузиш даврига қиймат шаклидаги мол-мулки ҳамда уни қоплашга жалб қилинган манбалари ўз аксини топади. Балансдаги ҳар бир банд ва бўлим корхоналарнинг молиявий ҳолатига боғлиқ, шунинг учун ҳам уни чуқур ўрганиш лозим. Бухгалтерия балансини ўрганиш асосида бир қатор кўрсаткичлар ҳақида хулосалар чиқариш мумкин.

“Обод водий гавхари” фермер хўжалиги бухгалтерия ҳисоби фермер хўжаликларида ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган умумқабул қилинган тамойиллар асосида ташкил қилинади. Хўжаликнинг бухгалтерия ҳисоби тизимига баҳо беришда унинг бухгалтерия баланси тузилиши ва таркибини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Қуйидаги жадвалда “Обод водий гавхари” фермер хўжалигининг бухгалтерия баланси таҳлили билан танишиб чиқамиз.

Хўжаликнинг баланс маълумотларидан кўриниб турибдики, “Обод водий гавхари” фермер хўжалиги ҳисобида асосий воситалар қиймати 2012 йилда ортган бўлсада, эскириш ҳисобига унинг йил охиридаги қиймати 59815,9 минг сўмни ташкил этмоқда. 2012 йилда хўжалик балансида товар моддий захиралар қиймати тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобига 4500,0 минг сўмга камайган. Бу эса 2013 йилда буғдой ишлаб чиқариш учун экин майдонларининг қисқарганлиги ва мос равишда харажатларнинг ҳам камайганлигини билдиради.

**“Обод водий гавхари” фермер хўжалигининг бухгалтерия
балансининг тузилиши ва ўзгариши. (минг сўмда)**

АКТИВ	2011 йил	2012 йил
I. Узоқ муддатли активлар		
Асосий воситалар	-	-
бошланғич (қайта тиклаш) қиймат	4000,0	124000,0
эскириш	-	64184,1
қолдиқ қиймат	4000,0	59815,9
Узоқ муддатли инвестициялар	-	-
Капитал қўйилмалар	-	-
1-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	4000,0	59815,9
II. Жорий активлар		
Товар моддий захиралари жами	29455,0	24955,0
Ишлаб чиқариш заҳиралари	4500,0	4500,0
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	24955,0	20455,0
Келгуси давр харажатлари	-	26877,1
Дебиторлар:	8118,1	3187,7
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар	-	-
Харидор ва буюртмачиларни қарзи	8118,1	3187,7
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи	-	-
Пул маблағлари	4,0	-
II-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	37577,1	55019,8
Балансининг активи бўйича ЖАМИ	41577,1	114835,7
ПАССИВ		
I. Ўзлик маблағларнинг манбалари		
Устав капитали	900,0	900,0
Қўшилган капитал	-	-
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	17162,6	18858,7
I-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	18062,6	19758,7
II. Мажбуриятлар		
Узоқ муддатли мажбуриятлар жами	-	55070,1
Жорий мажбуриятлар жами	23514,5	40006,9
Шу жумладан жорий кредиторлик қарзлари	22764,5	24899,9
- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз	8500,0	-
- шўба ва қарам жамиятларига қарз	-	-
- бюджет бўйича қарзлар	3168,0	7371,8
-мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	346,0	671,1
- мақсадли давлат жамғармаларига қарз	10750,5	16857,0
- қисқа муддатли банк кредитлари	750,0	15107,0
-бошқа кредиторлик қарзлари	-	-
II-БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ	15014,5	95077,0
Балансининг пассиви бўйича ЖАМИ	41577,1	114835,7

2012 йилда жами дебиторлик қарзлари 3187,7 минг сўм бўлиб асосан харидор ва буюртмачиларни қарзи ҳисобига тўғри келиб, 2012 йилда 4930,4 минг сўмга ёки деярли икки ярим баробарга камайганлигини хўжаликнинг ютуғи дейишимиз мумкин, чунки дебиторлик қарзларининг камайиши хўжалик тўлов қобилиятининг ортишига сабаб бўлади.

Хўжаликнинг бухгалтерия балансига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг пул маблағлари 2011 йилга нисбатан 2012 йилда 4 минг сўмга камайганлигини, яъни хўжалик ҳисоб-китоб счётида умуман пул маблағлари ортмаганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат фермер хўжалиги учун ижобий ҳолат сифатида қаралмайди. Чунки, бу ҳолат тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, хўжаликда йил якунига кўра ишлаб чиқариш захирлари қолдиғида ўзгаришлар ҳам мавжуд эмас. Ҳозирги шароитда айланма маблағлар, захиралар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми кам, соф фаолият кўрсатадиган шароитига етарли эмас деб ҳисоблаймиз.

Баланснинг пассив қисмида корхона маблағларининг қоплаш манбалари кўрсатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни тўлдириш ўзлик маблағларнинг манбалари ва мажбуриятлардан иборатдир.

Бунда энг муҳим ўринни корхонанинг ўзига қарашли устав, қўшилган ва резерв капиталлар, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушум ва фондлар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари эгаллайди. Устав капитал хўжалик ихтиёридаги доимий беркитилган асосий ва айланма маблағларнинг ҳажмини кўрсатади. У турли хўжалик муомалалари таъсирида ўзгариб туради. Бунга фойданинг тақсимланиши ҳисобига тўлдирилиш, хомийларнинг аъзолик бадаллари, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. Маблағларнинг кўпайтириш манбалари таркибида фойда алоҳида ўринни эгаллайди. Фойда ҳажмининг кўпайиши энг аввало Низом жамғармасини тўлдиришга ва бошқа эҳтиёт жамғармалари яратилишга олиб келади.

Юқоридаги хўжаликнинг баланс маълумотларига кўра, хўжаликда жами манбалар йил бошига нисбатан 1696,1 минг сўмга кўпайган бўлиб, ўзлик маблағларнинг манбалари ҳисобот йил бошига тақсимланмаган фойда ҳисобига кўпайган бўлсада, хўжаликда хусусий капитал қийматида ҳеч қандай ўсиш ёки камайиш мавжуд эмас. Хўжаликда хусусий капитал қийматини шакллантириш, ўзмаблағлари манбалари қийматини оширишга эришиш лозим. Чунки хўжалик маблағларини ташкил топиш манбалари таркибида ўзлик маблағлари манбалари кўплиги мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2012 йилда 2011 йилга нисбатан мажбуриятлар ҳам 80062,5 минг сўмга кўпайган. Бу кўпайиш 2012 йилда 55070,1 минг сўмлик узоқ муддатли мажбуриятларнинг пайдо бўлиши ҳисбига, бюджет бўйича қарзларнинг 4203,8 минг сўмга, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзларнинг 325,1 минг сўмга, мақсадли давлат жамғармаларига бўлган қарзнинг 6106,5 минг сўмга ва қисқа муддатли банк кредитларининг 14357 минг сўмга ортиши ҳисобига юз берганлиги ижобий натижа эмас. Хулоса қилиб айтганда хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини асосий қисми мажбуриятлардан иборат бўлиши, бу мажбуриятларнинг асосини бюджет бўйича қарзлар, давлатнинг мақсадли жамғармаларига бўлган қарзлар, қисқа муддатли банк кредитлари ташкил этиши ва бу мажбуриятларнинг йиллар давомида кескин ошиб бориши жаҳон молиявий-иқтисодий инқрози шароитида хўжалик фаолияти учун қониқарли ҳисобланмайди, чунки юқорида номлари келтирилган муассасалар томонидан ушбу қарзлар учун фермер хўжалиги ҳисобидан қўшимча жарималар ва фоизлар ундирилиши мумкин ҳамда ушбу ҳолат хўжаликнинг молиявий натижаларига салбий таъсир кўрсатиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқрози тўлиқ ўз кучини йўқотмаган бир шароитда, молиявий жихатдан барқарорлигига жиддий путр етказди деб ҳисоблаймиз.

4. Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида харажатлар ҳисоби ва уларни назорат қилиш масалалари.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бошқарув ҳисобининг муҳим қисми ҳисобланади. Чунки харажатлар таркиби, харажат элементлари ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш орқали, харажатлар сметасини ҳисоблаш, бюджетлаштириш, таннархни таҳлил қилиш имконини кенгайтиради. Бошқарув ҳисобининг мақсади бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фермер хўжалиги бошлиқларини барча даражадаги зарурий ахборот билан таъминлаб туришдан иборат. У ўз ичига ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, маҳсулот таннархини аниқлаш ва харажатларни бошқариш усуллари, узоқ муддатли режалаштириш ва бюджетлаштириш, оғишишлар бўйича бошқариш, турли хилдаги вазиятлар бўйича қарорлар қабул қилиши учун ахборотни тайёрлашни олади. Хўжалик субъектларининг фаолиятида даромад ва харажатларни ташкил топиши, уларни бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда қишлоқ хўжалигининг хусусиятини ҳисобга олиб, аниқ тушунчасини белгилаш ва харажатларни гурухлаштириш лозим.

Харажатлар субъектнинг ишлаб чиқариш захираларини камайтиришга олиб келса, иккинчи жихатдан бунинг натижасида ишлаб чиқариш жараёнида юзага келиб янгидан яратилган қиймат ҳосил қилинади. Яъни, бунда ишлаб чиқариш захиралари бир шаклдан иккинчи бир шаклга, яъни тайёр маҳсулот шаклига айланади. Демак, харажатлар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади.

Шунинг учун харажатларни ўз вақтида ҳисобга олиш, бир бирлик маҳсулотнинг таннархини тўғри аниқлаш бошқарув ҳисобининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

“Харажатлар” тушунчаси жуда кенг қамровли бўлгани боис, алоҳида кўриб чиқишни талаб этади. Умуман олганда харажатлар дейилганда бир томондан бизнеснинг мавжуд бўлишини шартларини яратадиган, иккинчи томондан эса харажатни амалга ошириш ҳисобига фойдани камайтирадиган сабаблар билан боғлиқ муаммолар тушунилади.

Бугунги кунда фермер хўжаликларида харажатлар тизимини чуқур ўрганиш ва маҳсулот етиштириш ва уни сотишдан тушадиган тушум харажатларни қоплай олиши ҳамда келгуси йил ҳосили учун маълум даражада ўзининг маблағига эга бўлиши керак эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

Харажатларни ҳисобга олиш ва уларни туркумланиши “Харажатлар таркиби тўғрисида”га Низомга асосан амалга оширилади. Бироқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги харажатлар ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган йўриқномага кўра, қуйидаги харажат моддалари бўйича ташкил этилиши лозим:

1. Асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақи;
2. Иш ҳақиға нисбатан ижтимоий суғурта ажратмалари;
3. Уруғ ва кўчат материаллари;
4. Минерал ва органик ўғитлар;
5. Иш ва хизматлар;
6. Суғурта тўловлари;
7. Асосий воситаларни сақлаш ва ишлатиш харажатлари;
8. Бошқа харажатлар;
9. Ўсимликчиликнинг умумишлаб чиқариш харажатлари.

Иқтисодиётни эркинлашуви шароитида бошқарув ҳисобини тўғри йўлга қўйиш, айниқса бошланғич ҳисобни ўз вақтида ва тўғри юритиш катта аҳамиятга эгадир.

Унинг ҳуқуқий асоси бевосита “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилади. Яъни бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш ва юритишнинг барча жиҳатлари ушбу қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатиб чиқилган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш, унга сарфланган харажатларни ҳисобини юритиш бошқарув ҳисобининг

асосий вазифаси ҳисобланади. Харажатларни бошқариш тизимида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритиш муҳим ҳисобланади. Бошқарув ҳисобида харажатларни туркумлашнинг ҳар қандай мақсади раҳбариятга тўғри асосланган қарор қабул қилишига ёрдам беришдир, чунки фермер, қарор қабул қилишда қайси харажатларни амалга ошириш натижасида қандай фойда олишлигини билиши лозим. Шу сабабли харажатларни туркумлаш – бу фермер қарорига таъсир этувчи харажатларни маълум қисмини ажратишдан иборатдир.

Ички ахборот истеъмолчилари ҳисобланган фермерлар ёки унинг бошқарувчиси бухгалтерия ҳисобининг маълум йўналишини белгилайди, тегишли фаолият учун зарур бўлган ахборотни таъминлаш мақсадида алоҳида ажратиб олади.

Харажатлар Низомда айтиб ўтилганидек, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлган ва маҳсулот таннархига киритилмайдиган, лекин ҳисобот йили якунида хўжалик юритувчи субъект фойдаси ҳисобидан қопланадиган давр харажатларига бўлинади. Ушбу харажатлар бухгалтерия ҳисобида алоҳида-алоҳида ҳисобварақларда ҳисобга олиб борилади.

Ўсимликчиликда асосий ишлаб чиқариш харажатлари 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади.

Қуйидаги хўжалик маълумотларига асосланган жадвал ёрдамида “Обод водий гавхари” фермер хўжалигида ўсимликчилик харажатлари таркибини таҳлил қилиб ўтамиз.

Харажатлар – ўз таърифига кўра, келажакда фойда олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект томонидан қонуний фаолиятнинг у ёки бу соҳасига ўз активларининг сафарбар қилиниши ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан биз қуйида “Обод водий гавхари” фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотларга сарфланаётган харажатларни ўзгариши ва ҳисобини ўрганишни лозим топдик. Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари биз ўрганаётган йилларда ўсиб бормоқда.

**Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида пахта
етиштириш харажатлари таркиби (мингсўмда).**

№	Харажатлар тури	2011 йил		2012 йил	
		Қиймати	%	қиймати	%
1	Моддий харажатлар	52835,0	63,9	65937,6	60,2
	а) уруғлик	6150,0	11,6	8445,5	12,8
	б) ўғитлар	17175,0	32,5	22106,0	33,5
	в) Ё.М.М	23860,0	45,2	28445,5	43,1
	г) иш ва хизматлар	5650,0	10,7	6940,6	10,6
2	Меҳнат ҳақи харажатлари	5200,0	6,3	6150,5	5,6
3	Ижтимоий ажратмалар	1300,0	1,6	1537,6	1,4
4	Асосий воситалар эскириши	11760,0	14,2	10348,8	9,6
5	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари	7510,0	9,1	14150,6	12,9
6	Бошқа харажатлар	4102,0	4,9	11332,5	10,3
	Жами:	82707,0	100	109457,6	100

Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг эркинлашиши етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархининг ортишига сабаб бўлмоқда. Маҳсулот таннархи таркибида моддий харажатлар (уруғлик, ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари, иш хизматлар ва бошқа моддий харажатлар) асосий салмоқни эгаллаб келмоқда. Масалан 2012 йилда “Обод водий гавхари ” фермер хўжалигида жами пахта етиштириш харажатлари 109457,6 минг сўмни ташкил этган бўлиб, унинг 60,2 фоизи моддий харажатлардан иборат бўлмоқда. Шунингдек, моддий харажатлар таркибида ўғитлар ва ёқилғи мойлаш материаллари харажатлари асосий салмоқни ташкил этиб келмоқда. Кўриниб турибдики, хўжаликда маҳсулот таннархининг ортиб боришида моддий харажатлар катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

**“Обод водий гавхари” фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатларини
счётларда акс эттирилиши. 2012 йил (минг сўмда)**

ДТ	1091	КТ	ДТ	2010	КТ	ДТ	2810	КТ
		8445,5 (1a)	8445,5	109457.6	(6)	109457.6		
ДТ	1092	КТ						
		22106,0 (1б)	22106,0					
ДТ	1030	КТ						
		28445,5 (1в)	28445,5					
ДТ	6010	КТ						
		6490,6 (1г)	6490,6					
ДТ	6710	КТ						
		6150,5 (2)	6150,5					
ДТ	6510	КТ						
		4505.9 (3)	4505.9					
ДТ	0210	КТ						
		10348,8 (3)	10348,8					
ДТ	2510	КТ						
		1537,6 (4)	1537.6					
ДТ	БХ	КТ						
		11332,5 (5)	11332,5					
				Айл: 109457,6	Айл: 109457,6			

Юқоридаги узатмалардан кўриниб турибдики асосий ишлаб чиқариш харажатлари 2010- “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисобварағида ҳисобга олиб келинмоқда. Бу ҳисоб балансга нисбатан актив ҳисобланиб, унинг дебитида маҳсулот етиштириш учун сарфланган харажатлар ҳисобга олинса, кредитида маҳсулотларнинг режа ва ҳақиқий баҳосида чиқиши акс эттирилади. Бухгалтерия узатмаларидан кўриниб турибдики, асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинганда 2010-Асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби дебетланган бўлса, тегишли счётлар кредитланган. Масалан, деҳқончиликка сарфланган уруғлик харажатларига ДТ 2010 – КТ 1090 узатмаси берилган бўлса, қолган барча узатмаларда ҳам 2010 – Асосий ишлаб чиқариш счёти дебетланиб, 1091, 1030, 6010, 6710, 6510 ва бошқа харажатларни ҳисобга олувчи счётлар кредитланган. Йил якунида деҳқончилик маҳсулотлари ҳақиқий таннархи аниқланиб режа таннархига тенглаштирилади. Тайёр маҳсулотлар ҳисобга олинганда 2810 – Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар дебетланиб 2010 – Асосий ишлаб чиқариш счёти кредитланган.

Қуйидаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, буғдой ишлаб чиқариш бўйича харажатлар таркибида моддий харажатлар 2012 йилда салмоқли улушни , яъни 59,0 фоизни ташкил қилмоқда. Барча харажатлар 2012 йилда 2011 йилга нисбатан барча харажат моддалари бўйича мос равишда ортиб борган. Хўжаликда буғдой етиштиришда моддий харажатлар таркибининг асосий қисмини, яъни 81,3 фоизини ўғитлар ва ёқилғи мойлаш материаллари ташкил қилмоқда. Бунинг асосий сабабини бозор иқтисодиёти шароитида хом ашё материаллари нархининг ўсиб бораётганлиги ва буғдой экин майдонларининг 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 4,9 гектарга пахта экин майдонларининг қисқариши ҳисобига ортганлиги билан изоҳлаш мумкин. Жадвал маълумотларини бухгалтерия узатмаларида қуйидагича акс эттириш мумкин.

**Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида бугдой
етиштириш харажатлари таркиби (минг сўм).**

№	Харажатлар тури	2011 йил		2012 йил	
		қиймати	%	қиймати	%
1	Моддий харажатлар	35777,0	61,8	42255,0	59,0
	а) уруғлик	3906,0	10,9	4500,0	10,6
	б) ўғитлар	14106,0	39,4	16200,0	38,3
	в) Ё.М.М	15615,0	43,6	18155,0	43,0
	г) иш ва хизматлар	2150,0	6,1	3400,0	8,0
2.	Меҳнат ҳақи харажатлари	2175,0	3,8	2660,0	3,7
3.	Ижтимоий ажратмалар	543,7	0,9	665,0	0,9
4.	Асосий воситалар эскириши	11760,0	20,3	10348,8	14,5
5.	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари	3920,0	6,8	9450,0	13,2
6.	Бошка харажатлар	3720,0	6,4	6210,0	8,7
	Жами:	57895,7	100	71588,8	100

Хўжаликда юқорида кўриб ўтганимиздек бугдой етиштириш харажатлари ҳам пахта етиштириш харажатлари каби белгиланган тартибдаги Низом асосида ҳисобга олиб борилиб, бунда харажатларининг ортганлигини ва унинг таркибида моддий харажатларнинг асосий салмоқни эгаллаб турганлигини кўришимиз мумкин. Бугдой етиштириш харажатлари ҳам асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи 2010-Асосий ишлаб чиқариш ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Яъни бугдой етиштириш харажатлари ушбу счёта алоҳида аналитик ҳисоб очилиб ҳисобга олиб борилади. Ушбу харажатларни бухгалтерия узатмаларида қуйидагича акс эттиришимиз мумкин.

**“Обод водий гавхари” фермер хўжалигида бугдой етиштириш харажатларини
счётларда акс эттирилиши. 2012 йил (минг сўмда)**

ДТ	1091	КТ	ДТ	2010	КТ	ДТ	2810	КТ
	4500,0	(1а)	4500,0	71588,8	(6)	71588,8		
ДТ	1092	КТ						
	16200,0	(1б)	16200,0					
ДТ	1030	КТ						
	18155,0	(1в)	15155,0					
ДТ	6010	КТ						
	3400,0	(1г)	3400,0					
ДТ	6710	КТ						
	2660,0	(2)	2660,0					
ДТ	6510	КТ						
	665,0	(3)	665,0					
ДТ	0210	КТ						
	10348,8	(4)	10348,8					
ДТ	2510	КТ						
	1589,1	(4)	9450,0					
ЛТ	БХ	КТ						
	6210,0	(5)	6210,0					
Айл: 71588,8				Айл: 71588,8				

5. Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида маҳсулот сотиш ва у билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисоби.

Мамлакатимизда, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чоратadbирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда”⁵.

Шундан келиб чиқиб фермерлар даромади шаклланиши ва харажатлар механизмини такомиллаштириш уларнинг рентабеллик даражасини кўрсатишга қаратилган бир қатор ишларни олиб бориш, бу борада ишга солинмаган имкониятларни излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш муҳим масала ҳисобланади. Аммо, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, фермер хўжаликлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш бир қатор муаммолар билан боғлиқ.

Биринчидан, кўпчилик фермерлар бухгалтерия ҳисоб-китоб ишларини яхши ташкил қилмаганлар. Барча харажатлар ва даромадларни тўлиқ ҳисобга олиш маълум даражада қийинчилик туғдиради.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўзномаси. 2013 йил 19 январ.

Иккинчидан, фермер ўз даромадини ҳар доим ҳам ҳисоботда тўғри акс эттиравермайди.

Учинчидан, фермерлар ўз оила аъзоларининг бажарган ишларининг ҳисобини олиб бормайдилар (айниқса фермернинг болалари катнашган бўлса).

Тўртинчидан, фермер бир қатор сервис хизмат соҳаларига нақд пул тўлайди ва бунинг ҳам аниқ ҳисобини олиб бормади.

Шунинг учун ҳам фермерларнинг хўжалик фаолияти давомида олаётган даромади ва қилаётган харажатларини ҳисоблашда махсус услубиётдан фойдаланишга тўғри келади. Бу услубиёт, статистик маълумотлар, анкета сўровлари, фермернинг банкдаги ҳисоб рақами орқали олиб борилган тушумлар ва тўловлар, шунингдек, бошқа соҳаларга сарф харажат ва шу соҳалардан тушадиган тушумларни бир-бирига таққослаш ва чуқур таҳлил қилиш орқалигина маълумотлар таҳлили яқини чиқариш мумкин. Даромадларнинг таҳлили ҳам даромад тушуми йўналишлари ва каналларига қараб олиб борилиш лозим. Даромад, маҳсулот сотишдан тушган тушум, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳалардан тушумлар, грантлар, дотация, компенсация, қарз олиш, давлат томонидан хар-хил харажатларни қоплаб бериш, қўшилган қиймат солиғи ва бошқа тўловлардан озод қилиш ва бошқа турдаги тўловлардан озод қилиш ҳисобига келадиган маблағлардан шаклланади.

Бу мураккаб ҳисоб-китоб ишларини олиб боришдан аввал фермер ўзи ким, унинг аграр иқтисодиётдаги ўрнини аниқ белгилаб олиш зарур. Шундай қилинганда тушум ва харажат йўналишларини аниқлаб олиш мумкин бўлади. Агар фермер даромади ва харажатлари тизимига бугунги кунда фермер фақат шартнома асосида пахта ва ғалла етиштирувчи деган тушунча билан ёндашсак, биз унинг даромад манбаларини ва харажат турларини тўлиқ таҳлил қила олмаймиз. Бизнинг фикримизча фермер аввало мулк эгаси, етиштирилаётган маҳсулот ва ижарага олинган ер эгаси, қишлоқда мулкдолар синфининг фаол вакили сифатида намоён бўлмоқда. Шундай

экан, фермернинг даромади биргина қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган тушум эмас, балки мулкдан, маҳсулотни қайта ишлашдан, маҳсулотни ички ва ташқи бозорда сотишдан, чет эл грантлари ва инвестицияларидан, давлат томонидан бериладиган субсидиялар, имтиёзлардан ва ниҳоят нофермерлик фаолиятдан шаклланимуда. Бошқача қилиб айтганда у реал бозор субъектига айланиб бормуда.

Шунингдек, фермер ўзига ва оила аъзоларига иш жойи яратиб қолмасдан, балки бошқалар учун ҳам иш жойи яратиш, уларни иш билан ва даромад билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий масалалари бўйича муаммоларининг бир қисмини давлат зиммасидан олувчи субъект сифатида намоён бўлмуда. Фермер қишлоқ хўжалигига янги технология олиб келувчи етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотига қўшимча қиймат яратувчи, фан ва техника янгиликларини амалиётга жорий қилувчи, қишлоқ инфратузилмасини яратишда фаол иштирок этиб келмуда.

Бундан ташқари фермер саноат корхоналарини хом-ашё билан таъминлаш билан бирга, саноат маҳсулотларини сотиб олувчи ҳамда солиқ тўлаш орқали давлат бюджетига хисса қўшишда ҳам фаол иштирок этиб келмуда.

Шундай экан фермер даромадининг шаклланиши кўп омиллар билан боғлиқ ва бу жараёнга кенг миқёсда ёндашиш зарур. Ақсинча, унинг харажатлар тизими биргина маҳсулот таннари, солиқ ва бошқа тўловлардангина иборат бўлмасдан, қатор бошқа харажатлар тизими ҳам мавжуд.

Олтинкўл туманидаги “Обод водий гавҳари” фермер хўжалиги юқорида айтиб ўтганимиздек ўзига бириктирилган ер майдонида асосан пахта ва дон маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиб келмуда.

**Олтинкўл тумани Обод водий гавхари фермер хўжалигида
махсулотларни сотиш ва даромадларнинг ўзгариши (минг сўм).**

№	Маҳсулот тури	2011 йил		2012 йил	
		Қиймати, минг сўм	Салмоғи, %	Қиймати, минг сўм	Салмоғи, %
1	Буғдой	27323,6	27,1	32617,2	28,3
2	Пахта	72564,9	72,0	80040,3	69,5
3	Пилла	851,5	0,9	2480,2	2,2
	Жами	100740,0	100	115137,7	100

Юқорида айтиб ўтилганидек фермер хўжалигида маҳсулотларни сотиш асосан давлат буюртмаси асосида етиштирилиб сотилмоқда. Бу эса ҳозирги кунда фермер хўжалигида асосан пахта, буғдой ва пилла сотиш орқали амалга оширилмоқда. Фермер хўжалигида маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар 2011 йилда жами 100740,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 115137,7 минг сўмга тенг бўлмоқда. Сотишдан олинган даромад асосан пахта ва буғдой ҳисобидан шаклланган. Яъни, хўжаликда 2012 йилда олинган даромаднинг 28,3 фоизи буғдой ҳиссасига тўғри келган. Бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 5293,6 минг сўмга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Пахтачиликдан олинган даромад 2011 йилга нисбатан ҳисоблаганда 7475,4 минг сўмга кўпайган бўлсада, унинг жами даромаддаги улуши 2,5 фоизга камайган. Пилла етиштиришдан олинаётган даромад эса жами олинган даромаднинг 2011 йилда атиги 0,9 фоизини, 2012 йилда эса 2,2 фоизини ташкил этмоқда.

Демак, хўжаликда юқорида айтиб ўтганимиздек асосий хўжалик даромадалари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар ҳисобига вужудга келмоқда. Ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида хўжаликда аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, ноқишлоқ хўжалик фаолиятидан олиндиған даромадларни ҳам шакллантириш фермер хўжалигини даромадларини янада оширишда ҳамда унинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланар эди.

Ноқишлоқ хўжалик фаолияти иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига

караганда паст даромадли тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари даромадларини ҳамда соҳага йўналтирилаётган инвестицияларнинг самарадорлигини кескин кўпайтиришга имкон беради.

“Обод водий гавхари” фермер хўжалигида асосий фаолиятдан олинadиган даромадлар “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари” №0 БҲМС ва «Асосий хўжалик фаолиятидан олинadиган даромадлар» номли №2 БҲМСга мувофиқ ҳамда “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ тартибга солинган ҳолда ҳисобга олинib бoрилади.

Хўжалик юритувчи субъект даромадлари ва харажатларининг ҳисоби, молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисоби счётлар режасининг V-қисм, тўққизинчи бўлимида жойлашган 9000-9900-счётларда амалга оширилади:

9000-“Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” (9010-9050);

9100-“Сотилган маҳсулот(товар, иш, хизмат)ларнинг таннаrxини ҳисобга олувчи счётлар” (9110-9150);

9200-“Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар” (9210-9220);

9300-“Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” (9310-9390);

9400-“Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” (9410-9430);

9500-“Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” (9510-9590);

9600-“Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисобга олувчи счётлар” (9610-9690);

9700-“Фавқулодда фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар” (9710, 9720);

9800-“Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар” (9810, 9820);

9900-“Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” (9910-счёт).

Ушбу счётларнинг барчаси—транзит (вақтинчалик) счётлар бўлиб, ҳисобот даврининг охирида (9200-счётдан ташқари) якуний молиявий натижани аниқлаш учун 9910-счёт билан ёпилади, унинг сальдоси кейин 8710-“Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” счётига (балансга) ўтказилади.

Хўжаликдаги юқоридаги маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бухгалтерия узатмалари қуйидаги тартибда акс эттирилади.

3-шакл

“Обод водий гавҳари” фермер хўжалигида маҳсулот сотиш бўйича харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни бухгалтерия узатмаларида акс эттирилиши. (2012 йил, минг сўмда)

ДТ	9010	КТ	ДТ	4010	КТ
		115137,7		115137,7	

Юқоридаги узатмадан кўриниб турибдики хўжаликда маҳсулотларни сотишда олинган даромадларни ҳисобга олишда харидорлар билан ҳисоб-китобларни акс эттириш учун 4010-Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар ҳисобварағидан фойдаланилади. Ушбу ҳисобнинг дебетидаги сумма харидор ва буюртмачиларга сотилган ва улардан олиниши кўзда тутилган счётларни ҳисобга олиб бориш учун мўлжалланган. Ушбу счётнинг кредитида сотилган маҳсулот ва иш-хизматлар учун хўжаликнинг ҳисоб рақамига келиб тушган пулларни ҳисобга олишини акс эттирилади.

4-шакл.

“Обод водий гавхари” фермер хўжалигида сотилган маҳсулот таннархини ҳисобдан чиқарилишини бухгалтерия узатмаларида акс эттирилиши. (2012 йил, минг сўмда)

ДТ	2810	КТ	ДТ	9110	КТ
		91537,1	91537,1		

Демак, тайёр маҳсулот сифатида 2810 “Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар” ҳисобварағида ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобга олинган маҳсулотнинг сотилган қисмига тегишли харажатлар ҳисобдан чиқарилганда Дт 9110 – Кт 2810 узатмаси берилади.

Хўжаликда юқорида айтиб ўтганимиздек, даромадларнинг шаклланиши пахта ва дон маҳсулотларини сотиш ҳисобидан шаклланади. Бу даромад ва молиявий натижаларни шаклланишида асосий манба бўлиб ҳисобланади. Хўжаликнинг ўз фаолияти натижаларини ҳисоб-китоб қилиш молиявий натижаларни аниқлаш билан якунланади.

Қуйида хўжаликнинг молиявий натижалари кўрсаткичларини ва уни ҳисобга олинишини кўриб ўтамиз, чунки унда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган давр харажатлари акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликнинг 2011-2012 йиллардаги соф фойдаси 7822,0 минг сўмдан 17542,5 минг сўмга етган. Бироқ бу рақамни ҳозирги кунга жуда самарали натижа деб бўлмайди. Шунингдек, хўжаликда сотиш харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмай, маъмурий харажатларга қўшиб ҳисобга олинади. Агар сотиш харажатлари ҳам алоҳида ҳисобга олиб борилса, харажатлар таркиби янада аниқлашган ва бошқарув янада конкрет маълумотга асосланган бўлар эди.

**Олтинкўл тумани “Обод водий гавхари” фермер хўжалиги молиявий
натижалари ва унинг ўзгариши таҳлили. (минг сўмда)**

№	Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил
1	Маҳсулот (товар,иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушум	100740,0	115137,7
2	Сотилган маҳсулот (товар,иш,хизмат) ларни таннарни	89310,0	91537,1
3	Маҳсулот (товар,иш,хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	11430,0	23600,6
4	Давр харажатлари. шу жумладан:	3608,0	6058,1
	-Сотиш харажатлари	-	-
	-Маъмурий харажатлар	2610,0	1201,0
	-Бошка операцион харажатлар	998,0	4857,1
5	Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	7822,0	17542,5
	Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	7822,0	17542,5

Молиявий натижаларни ҳисобга олиш билан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидагича акс эттириш мумкин.

Қуйидаги узатмалардан кўриниб турибдики, хўжаликда молиявий натижаларни ҳисобга олиш счётлар режасининг 9 бўлим счётларида олиб борилиб, бу счётлар транзит счётлар деб аталади. Ушбу ҳисоблар ҳисобот даври якунида ёпиладиган счётлар ҳисобланади. Даромадларни ҳисобга олувчи счётлар 9900-якуний молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётининг кредити билан, харажатларни ҳисобга олувчи счётлар ушбу счётнинг дебети билан боғланган ҳолда ёпилади. 9900-якуний молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счёт 8700 Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

5-шакл.

“Обод водий гавхари” фермер хўжалигида молиявий натижаларини ҳисобга олишни ва оператив счётларни ёпилишини бухгалтерия узатмаларида акс эттирилиши. (2012 йил, минг сўмда)

ДТ	9110	КТ	ДТ	9900	КТ	ДТ	9010	КТ
	91537,1	(2)	91537,1		115137,7 (1)	115137,7		
ДТ	9420	КТ						
	1201,0	(3)	1201,0					
ДТ	9430	КТ						
	4857,1	(4)	4857,1					
ДТ	8710	КТ						
	17542,5	(5)	17542,5					
Айланма:			115137,7	Айланма:			115137,7	

Ҳисобот ахборотлари сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар, уларни ишлаб чиқариш харажатлари, хўжалик маблағлари ва уларни ташкил бўлиш манбалари, ишларнинг молиявий натижалари, солиққа тортиш ва дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Маълумки, 9000 “Асосий фаолиятдан олинadиган даромadларни ҳисобга олуvчи счётлар”, 9100 “Сотилган маҳсулотларни таннарҳини ҳисобга олуvчи счётлар”, 9400 “Давр харажатларини ҳисобга олуvчи счётлар” 9900 “Якуний молиявий натижаларни ҳисобга олуvчи счётлар” ҳисобварақлари транзит счётлар ҳисобланиб, улар ҳисобот йили якунида ёпилади.

Тайёр маҳсулотни сотишдан олинadиган даромadлар ҳисобдан сиқарилганда ДТ 9010 – Кт 9900 узатмаси берилган бўлса, сотилган маҳсулотлар таннарҳи ва давр харажатлари ҳисобдан чиқарилишига ДТ 9900 – Кт 9110, 9420, 9430 узатмалари берилган.

Фермер хўжалигида маҳсулотларни сотишдан олинadиган даромadларни ҳисобга олишда уларнинг ҳаракатини ўз вақтида ҳужжатлаштирилиши ҳамда фермер хўжалиги раҳбарини ушбу жараёни тўлиқ ўз назоратига олиши талаб этилади.

Хулоса ва таклифлар.

Фермер хўжаликлари иқтисодиётини бошқаришда бошқарув ҳисоби ва назоратнинг роли каттадир. Шу билан бирга фермер хўжаликларида бўладиган хўжалик жараёнини ҳисобга олишда хўжалик ҳисобидан ҳам фойдаланилади. Бошқарув ҳисоби мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишда ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Зеро бугунги талаби ҳам шуни тақозо этмоқда.

“Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. энг асосийси – одамларимизнинг онги ва дунёқараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда”⁶.

Бу эса ўз навбатида фермерлар томонидан етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва сифатини йилдан-йилга яхшиланиб, ресурслар самарадорлигини кўтариш имкониятини яратмоқда.

Бугунги кунда фермерлар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлар, хусусан пахта ва ғалланинг асосий қисмининг етиштирилаётганлиги бу соҳага берилаётган эътиборнинг натижаси деб қараш мумкин.

Аммо, фермер хўжаликларининг республика аграр иқтисодиётидаги ўрнини биргина улар етиштираётган пахта, ғалла ёки озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан белгилаш бир мунча нотўғри бўлади. Улар аввало, мулк эгаси, етиштирилган маҳсулот ва ижарага олинган ер эгаси – мулкдорлар синфининг қишлоқдаги реал вакили бўлиб намоён бўлмоқдалар. Шу билан биргаликда фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг бошқа хўжалик субъектлари билан ўзаро муносабатлари ҳамда ҳисоб юритиш бўйича бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўзномаси. 2013 йил 19 январ.

Фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мустақиллик йилларида фермер хўжаликларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларининг ўсиши асосан экстенсив омиллар, яъни ер майдонлари ҳажмининг кўпайиши, чорва мол бош сонининг ортиши ҳисобига бўй берди. Эндиликда бош вазифа фермерлар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, бунинг учун зарур бўладиган барча меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий шароитларни яратишга асосий эътиборни қаратиш ҳисобланади.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари билан давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар тизимини қайта кўриб чиқиш ва тубдан ўзгартириш, бунда фермер хўжаликлар фаолиятини бошқариш сиёсатидан уларни қўллаб-қувватлаш, маслаҳат ва зарурий ахборотлар бериш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш сиёсатига ўтиш тақозо этилади. Шу билан биргаликда фермерларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, сиёсий билим савияларини ошириб бориш ҳам улар фаолияти самарадорлигини ошириш, бошқа ташкилотлар билан бўладиган ўзаро муносабатларини, ҳисоб ва ҳисобот тизимини тўғри йўлга қўйиш имконини беради.

Ҳозирда фермер хўжаликларининг олаётган даромадларига эътибор қаратиладиган бўлса, улар асосан асосий фаолиятдан олаётган даромадлари билан чекланмоқда. Ҳозирги шароитда улар фаолиятини турли соҳаларни ривожлантиришга қаратилиши уларнинг оладиган даромадларини кўпайтириш имконини беради.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, битирув малакавий ишини бажариш давомида “Обод водий гавҳари” фермер хўжалигини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқилди ва шу асосида қуйидагиларга тўхталиб ўтмоқчимиз:

- харажат ва даромадларни режалаштириш ва сметалар тузиш орқали харажатларни меъёрлаштирига эришиш;
- ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида харажатлар ва олинадиган даромадларнинг қийматини тизимли тартибда баҳолаб бориш;

- харажатлар ва даромадларнинг оптимизациясини таъминловчи захира ва харажатларни бошқариш модулини ишлаб чиқиш;
- сотилган маҳсулот учун олинadиган маблағлар суммасини, маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ҳақиқий харажатларни, фойда суммасини ўз вақтида ва аниқ ҳисоблаб чиқиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятидаги содир бўлган муомалаларни компютерлаштириш, чунки ушбу воқеаларни тезкор жамлаш, ишлов бериш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларнинг натижаларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар хўжалик амалиётида фойдаланилса, ҳисобни тўғри ва аниқ ташкил этишда, уни самарали бошқаришда ҳамда хўжаликнинг молиявий барқарорлигини оширишда янада ижобий таъсир кўрсатади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикаси Қонулари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2009 йил. 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: 1996 йил 30 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. –Т.: 1998 йил 30 апрель
4. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Т., 2000 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.Т., 2008 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2012 йил 22 октябрь, ПФ-4478-сон

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва
Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий
ҳужжатлари**

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2011 йил ПҚ-1675-сонли Қарорига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. Т., 2012 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 290-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008 й
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” 288-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008 й.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сонли қарори. –Т.: 2001й
13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида” низом. ЎЗ АВ томонидан 1192-сон билан рўйхатга олинган –Т.: 2002 й.
14. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2002. 220 б.
15. “Хўжалик юритувчи субъектлар молия - хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича

кўрсатма”, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси, -Т., 2003 й.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

16. И.Каримов. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 б.
17. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: “Ўзбекистон” 2010 йил
18. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби.” Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўзномаси 2009 йил 14 февраль, № 33-34 (4696-4697)
19. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўзномаси.2011 йил 21 январь.
20. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Президент И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19

январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўзномаси.
2012 йил 20 январ.

21. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўзномаси. 2013 йил 19 январ

V. Дарсликлар

22. Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. /Дарслик -Т.: Шарқ, 2004.-592 б.
23. Сотиволдиев А. С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т. БАМА, 2005 й 234 б.
24. Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: 2007 й 344 б.
25. Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувахидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Т.: 2007 й. 250 б.
26. Р.О.Холбеков. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. – 212 б.
27. М.М.Тўлахўжаева ва бошқалар. Аудит. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 456 б.
28. Н.Ю.Жўраев, Ф.Т.Абдувахидов, Д.А.Сотволдиева. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. – 287 б.
29. О.Бобожонов, Х.Ахмедов, А.Туркманов. Молиявий ҳисоб. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011. – 536 б.
30. Т.Қудратов, Н.Файзиева. Корхоналар фаолиятининг таҳлили ва назорати. Дарслик. – Т.: Ворис-нашриёт, 2012. – 256 б.
31. А.В.Ваҳобов, Н.Ф.Ишонқулов, А.Т.Иброҳимов. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. - Т.: Иқтисод-Молия, 2013. – 600 б.

VI. Ўқув қўлланмалар

32. Бекмурадов А. ва бошқалар. Молия ва банк тизимидаги ислохатлар самараси. –Т.: ТДИУ. 2005. 62 б.
33. Ўразов К.Б. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари/ К.Б. Уразов. - Т.: Фан нашриёти, 2005. - 236 б.
34. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмурадов, У.В.Ғафуров. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодий. - 2010. – 340 б.
35. О.Бобожонов, К.Жуманиёзов, Х.Ахмедов, А.Туркманов. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. – 463 б.

VII. Статистика тўплamlари маълумотлари

36. “Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби” журнали. –Т.: 2010-2012 йиллар.
37. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнал. –Т.: 2010-2012 йиллар.
38. “Бозор, пул ва кредит” журнал. –Т.: 2010-2012 йиллар.
39. “Солиқ ва божхона хабарлари” газета. –Т.: 2009-2011 йиллар.
40. Ўзбекистоннинг 2011-2012 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
41. Олтинкўл туман Обод водий гавхари фермер хўжалигининг йиллик молиявий ва статистика ҳисоботлари.

VIII. Интернет сайтлари

42. Учебные материалы по Бухгалтерскому учету. On-line
<http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/37/371/3713/table.htm>
43. <http://www.imce.ru>
44. “Norma” 2011-2012
45. www.uz.report.com.
46. www.ceep.uz.
47. www.consultant.ru
48. www.comersant.ru
49. <http://www.soliq.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти)
50. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти)
51. [www. Bir.uz](http://www.Bir.uz)
52. <http://www.rbc.ru/consulting>.